ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

А.А.АМОНОВ

“СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ”

амалий машғулотлар учун топшириқлар, масалалар ва уларни бажаришга оид услубий қўлланма



САМАРҚАНД-2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

"БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ" КАФЕДРАСИ

А.А.АМОНОВ

"СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ"

амалий машғулотлар учун топшириқлар, масалалар ва уларни бажаришга оид услубий қўлланма

Мутахассислик - 5230900 "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган

САМАРҚАНД-2017

65.052
A623

Амонов А.А. Суд-бухгалтерия экспертизаси фанидан амалий машғулотлар учун топшириқлар, масалалар тўплами ва уларни бажаришга оид услубий қўлланма – СамИСИ. 2017 йил, 72 бет

Такризчилар:

Аликулов. А.И. СамҚХИ, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси профессори, и.ф.д.
Абдуллаев.Р.А. СамИСИ, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси профессори, и.ф.н.

Иқтисод фанлари доктори, профессор К.Б. Ўразов таҳрири остида

Ушбу услубий қўлланмада "Суд-бухгалтерия экспертизаси" фанининг ишчи ўқув дастурига асосан тайёрланган бўлиб, мавзулар бўйича амалий машғулотларда бажариладиган топшириқлар, масалалар, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза Маркази Самарқанд вилоятлараро бўлинмасининг амалиёт материаллари ҳамда мавзулар бўйича тест саволларини ечиш кўзда тутилган.

Шунингдек, қўрсатманинг илова қисмида "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонун матни илова қилинган.

Олий ўқув юртларида 5230900 "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" таълим йўналиши бўйича таъсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Услубий қўлланма «Бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедраси мажлисида 2017 йил 8 сентябрда мухокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. 3-сон мажлис баёни.

СамИСИ ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил 24 октябрдаги йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилган . (2-сон баённома).

@СамИСИ, А.А.Амонов, 2017

КИРИШ

Ўзбекистан Республикасида бозор муносабатларининг қарор топтирилиши, кўп укладли иқтсиодиётнинг вужудга келтирилиши барча жабҳада бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби борасида ҳам улкан ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар сони анча кенгайиб бораётганлиги интеграция жараёнларини чукурлашаётганлиги бухгалтерия хисобини жахон андозаларига кўчириш заруриятини туғдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини белгилаб берди. Ҳаракатлар стратегисининг 2-*бўлими* ***"Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари"*** га бағишланган бўлиб, улар қуйидаги вазифалардан иборат:

-суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш;

-фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

-маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини – такомиллаштириш;

-жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;

-суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш;

-юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни тўлиқ бажариш кўп ҳолларда судларда фуқаролик, жиноий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда бойликлар талон-тарожи, мансабдорлик ва хўжалик жиноятларини суриштириш ва тергов қилишда иқтисодий фанлар жумладан махсус бухгалтерия ҳисоби билимлари қўлланилади. Махсус билимлар орасида суд экспертизаси муҳим ўринда туради. Суд-бухгалтерия экспертизаси суд экспертизасининг бир қисми бўлиб, унда экспертиза жараёни асосан бухгалтерияда расмийлаштирилган ҳужжатлар билан боғлиқ бўлади.

Экспертиза ишларининг мураккаблиги, уни ўтказишда махсус билимлар талаб қилинганлиги сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари мутахассис бухгалтерларга турли масалалар билан мурожат қилишади. Бухгалтер, эксперт-бухгалтерлар тергов ходимлари топшириғига кўра ҳужжатли аудит ўтказади, тергов ишида иқтисодий масалаларни ечишда маслаҳатлар беришади. Тергов ва судда кўрилаётган ишларга далил сифатида хулоса далолатнома тайёрлаш билан биргаликда ҳўжаликка етказилган моддий зарарни аниқлаш ва камомадни ундириб олишда бухгалтерия экспертизасини аҳамияти ортиб боради.

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 53574

I. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ҲАЖМИ

Талабалар фандан назарий олган билимларини амалий машғулотларда машқлар, хўжалик жараёнлари ва ҳар турдаги хўжалик ситуацияларини ечиш орқали мустаҳкамлайдилар.

Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг амалий машғулотлари қуйидаги тартибда ўтказилади:

-ҳар бир ўтилган мавзу бўйича талабалар билан савол-жавоблар ўтказилади ва талабаларнинг мавзуни ўзлаштириш даражаси пофессор-ўқитувчи томонидан баҳолаш рейтинг тизимида баҳоланади;

-мавзу бўйича маърузалар мазмунидан фойдаланадилар;

-амалий машғулотлар саволларини тавсия қилинган адабиётлар бўйича ўзлаштириш;

-СамИСИ ахборот ресурслари марказидаги мавжуд манбалар орқали саволлар мавзулар мазмуни ўрганилади;

-амалий машғулотларда мавзу бўйича берилган индивидуал топшириқларни бажариш;

-амалий машғулотлар ўтиш давомида гуруҳ талабаларини Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза Маркази Самарқанд вилоятлараро бўлинмасига экскурсия ташкил этилиб, талабаларни бевосита суд экспертизаси ўтказиш жараёни билан таништириш;

-Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза Маркази Самарқанд вилоятлараро бўлинмасининг амалиёт материалларидан фойдаланган ҳолда ўз билим ва кўникмаларини ошириш;

-мавзуга оид масалалар юзасидан машқ ва хўжалик жараёнларини ечиш;

-мавзу бўйича тест саволларига жавоблар топиш;

-муаммоли масалалар бўйича дискуссия, фикр алмашув ва дебатларда фаол қатнашиш, кўтарилган савол ва мавзуларни ўзлаштириш учун профессор-ўқитувчилардан консультация ва маслаҳатлар олиш;

-ҳар бир кўрилаётган жараён бўйича талаба суд экспертизаси бўйича мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асослаган ҳолда ўзининг шахсий фикрини баён этиши;

-амалий машғулотларда мавжуд адабиётлардан ҳамда институтда ўтказилаётган конференция ва илмий анжуманлар материалларидан фойдаланиш ва улар асосида реферат, илмий мақолалар ёзиш ;

-амалиёт машғулотларида замонавий таълим технологияларидан (диалогик ёндашув, муммоли таълим, «ақлий ҳужум», «блиц-ўйин», ФСМУ (фикрлаш, сабабини баён этиш, мисоллар келтириш, умумлаштириш) «якка фикр», «саволга ким тез ва тўғри жавоб беради») каби турларидан самарали фойдаланилади;

-амалиёт машғулотларида маҳаллий ва республика миқёсидаги оммавий ахборот воситалари (ОАВ) материаллари ҳамда ижтимоий тармоқлар материалларидан самарали фойдаланиш;

-назарий, амалий ва мустақил машғулотларда фаол қатнашган ва муайян ижобий натижаларга эришган иқтидорли талабалар билан маърузачи ҳамда амалиёт ўқитувчилар ҳамкорлигида илмий (реферат) ишлар олиб бориш;

-юқорида келтирилган барча асосий ва қўшимча манба маълумотлари ва усулларни ўрганиш жараёнида талаба назарий олган билимини чуқур ўрганади, пировард натижада мазкур фандан тўлиқ билимга эга бўлади ва келажакда бўлғуси мутахассиснинг касбий маҳорати шаклланиб боради.

Суд-бухгалтерия экспертизаси фанидан амалий машғулотларнинг тавсия этилган мавзулари

№	Маъруза мавзулари	Соат
I	**Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг моҳияти ва вазифалари**	**6**
1.1	*Бозор иқтисодиёти шароитида суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишнинг аҳамияти*	*2*
1.2	*Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг предмети*	*2*
1.3	*Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг методлари*	*2*
II	**Суд-бухгалтерия экспертизасини ташкил этиш**	**4**
2.1	*Суд-бухгалтерия экспертизасини ташкилий шакллари*	*2*
2.2	*Суд-бухгалтерия экспертизаси бюроси ва бухгалтер экспертлари*	*2*
2.3	*Суд-бухгалтерия экспертизасини белгилаш ва ўтказиш поғоналари*	*2*
2.4	*Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш*	*2*
III	**Асосий молиявий-хўжалик операциялари бўйича суд-бухгалтерия экспертизасининг фаолияти**	**14**
3.1	*Касса операциялари бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси*	*2*
3.2	*Банкдаги ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларининг суд-бухгалтерия экспертизаси*	*2*
3.3	*Банкдаги бошқа счетлардаги пул маблағларининг суд-бухгалтерия экспертизаси*	*2*
3.4	*Товар моддий бойликлар юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси.*	*2*
3.5	*Умумий овқатланиш корхоналарида суд- бухгалтерия экпертизаси.*	*2*
3.6	*Қурилиш ва таъмирлаш корхоналарида суд- бухгалтерия экпертизаси.*	*2*
3.7	*Бошқа тармоқларда суд- бухгалтерия экпертизаси.*	*2*
IV	**Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосаси ва тавсиялари**	**8**

4.1	*Суд - бухгалтерия экспертизаси хулосасини тузиш тартиби ва унинг мазмуни*	2
4.2	*Суд - бухгалтерия экспертизаси хулосасини суд ва терговчи томонидан кўриб чиқилиши ва баҳоланиши*	2
4.3	*Корхона ва ташкилотларда мулкни (давлат, ижтимоий ва бошқа) сақланини таъминлаш ва моддий жавобгарликни ташкил этиш бўйича суд-бухгалтерия экспертизасининг таклифлари*	2
4.4	*Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифларини бажарилишини назорат этиш*	2
	жами	**36**

I – Мавзу. СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ ФАНИНИНГ МОҲИТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

(Мавзу 3 та маърузадан иборат)

1.1-маъруза	БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1.Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг Суд экспертизаси тизимидаги ўрни, фаннининг моҳити, вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқасига оид 1.1.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 1.2.2
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг моҳияти ва вазифалари ҳақида амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Суд-бухгалтерия экспертизаси ҳақида тушунча ва фанининг вазифаларига оид амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	Суд-бухгалтерия экспертизаси ҳақида тушунча ва фанининг вазифаларига оид амалий кўникмалар ҳосил қилинади
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гурухларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 1.1.1

1.Суд-бухгалтерия экспертизаси фани ҳақида тушунча беринг;

2.Суд экспертизаси тизимида суд-бухгалтерия экспертизасининг тутган ўрни ҳақида гапириб беринг;

3.Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг моҳияти ҳақида ва фан олдида турган вазифалар ҳақида тушунча беринг;

4.Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигини асослаб беринг.

Топшириқ № 1.2.2

Мавзуга оид тест саволларини ечиш.

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг нечта устувор йўналишлари мавжуд?

А) 3; Б) 4; В) 2; Г) 5.

2. Қуйидаги жавоблардан қайси бири экспертиза ҳақида тўлиқ ифода беради?

А) Тадбиркорлик фаолияти бўлиб, адвокат билан айбланувчи ўртасидаги айбланувчининг манфаатларини ёқлов жараёнидир.

Б) Айбланувчини айбини бўйнига қўйиш ва етказилган моддий, манавий зарарларни ундириш мақсадида олиб бориладиган текшириш.

В) Жиноят процессуал қонуни асосида, фан ва техниканинг, санъат ва иктисодиётнинг айрим соҳаларидаги мутахассислар, касб-ҳунар эгалари томонидан терговда ёки суд муҳокамасида келиб чиқадиган баъзи камчиликларни аниқдаш мақсадида объектлар устида олиб бориладиган текширищ.

Г) Содир этилган жиноятни одилона ёритиш мақсадида объектлар устида олиб бориладиган текшириш.

3. Экспертизанинг асосий вазифаси..

А) Олиб борилган текширишлар натижасида аниқ шахс, объект-далилий ашё, моддий қолдиқдар, излар юзасидан уларнинг айнанлиги ёки қайси гуруҳга мансублиги ҳақида ахборот беришдир.

Б) Олиб борилган текширишлар натижасида айбдор билан эксперт ўртасида айбни тасдиқловчи тўпланган далилий ашёлар асосида ахборот беришдир.

В) Олиб борилган текширишлар натижасида жавобгар билан эксперт ўртасида айбни тасдиқловчи тўпланган далилий ашёлар асосида ахборот беришдир.

Г) Олиб борилган текширишлар натижасида айбланувчининг содир этган айбини тахминий тасдиқлаш ва айблов хулосаси беришдир.

4. Суд- бухгалтерия экспертизасининг вазифалари нималардан иборат?

А) Товар моддий бойликларни, пул маблағларини камомадини аниқлашда терговчига ёрдам бериш.

Б) Амалга оширилган хўжалик муомалаларининг амалдаги қонун ва йўриқномаларга мос келиш-келмаслигини текшириш хамда мансабдор шахслар ва бошқа шахслар томонидан келтирилган моддий зарарни аниқлаш ва экспертиза хулосасини бериш.

В) Ҳужжатли тафтиш ўтказиш.

Г) Товар моддий бойликларни, пул маблағларини камомадини аниқлашда айбланувчига ёрдам бериш.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни качон қабул килинган?

А) 1991 йил 20 июлда Б) 1996 йил 30 августда

В) 2002 йил 22 сентябрда Г) 2009 йил 18 ноябрда

1.2-маъруза	СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вакти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1. Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг обеъктлари ва предметига оид 1.2.1 топшириқни бажариш; 2. Суд-бухгалтерия экспертизаси предмети маълум белгилар умумлашуви билан тавсифланувчи ҳодисаларни ўз ичига олувчи ҳолатларга оид 1.2.2 топшириқни бажариш. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш топшириқ 1.2.3
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг объектлари, предмети ҳақида амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг объектлари, предмети ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг объектлари ва предмети ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 1.2.1

1. Суд-бухгалтерия фанининг объектлари ва вазифалари деганда нимани тушунасиз, уларни асослаб беринг ва қуйидаги жадвални тўлдиринг;

Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг объектлари	1. Бухгалтерия ҳужжатлари
	2.

Топшириқ № 1. 2.2

1. Суд-бухгалтерия экспертизаси предмети қандай белгилар умумлашуви билан тавсифланувчи ҳодисаларни ўз ичига олади?.
2. Ҳодисаларни аниқлаб қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Суд-бухгалтерия экспертизаси предмети қандай белгилар билан тавсифланувчи ҳодисаларни ўз ичига олади?	1.Улар хўжалик фаолияти билан боғланган бўлади;
	2.
	3.
	4

Топшириқ № 1.2.3
Мавзуга оид тест саволларини ечиш.

1. Суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилади..
А) Жиноий-фуқаролик иши мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар ўтказилади.
Б) Жиноий-фуқаролик ишларида ўтказилади.
В) Корхона фаолияти устидан юқори орган томонидан уларнинг методлари асосида ўтказилади.
Г) Юқори ташкилот томонидан хар йили бир марта молиявий ишлаб чиқариш фаолиятига холисона баҳо бериш учун ўтказилади.

2. Суд-бухгалтерия экспертизаси объектларини аниқланг?
А) Суд процесси давомида тўпланган материаллар.
Б) Эксперт томонидан тўпланган материаллар.
В) Суд-тергов органлари томонидан тузилган барча ҳужжатлар.
Г) Бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисобот, тафтиш далолатномалари ва ишнинг бошқа материаллари.

3. Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг предмети қайси вариант жавобида тўлиқ ифодаланган?
А) Аниқ жиноий ишларнинг ҳақиқий вазиятлари.
Б) Суд даражасида кўриладиган барча ишларнинг ҳақиқий вазиятлари.
В) Аниқ, жиноий ва фуқаролик ишларнинг ҳақиқий вазиятлари.
Г) Аниқ фуқаролик ишларнинг ҳақиқий вазиятлари.

4. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш «Ҳаракатлар стратегияси"нинг қайси бўлимида кўзда тутилган?

А) 5- бўлим; Б) 2- бўлим; В) 3- бўлим; Г) 4- бўлим.

1.3-маъруза	СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ ФАНИНИНГ МЕТОДЛАРИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1. Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг методларига оид 1.3.1 топшириқни бажариш; 2.Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг услубиятларига оид 1.3.2 топшириқни бажариш. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 1.3.3 топшириқ
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг объектлари, методи ҳақида амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг объектлари, методлари ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг объектлари, методлари ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 1.3.1

1. Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг методи деганда нимани тушунасиз?
2. Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг қандай методлари мавжуд, уларни айтиб беринг ва қуйидаги жавални тўлдиринг:

	1. Ҳужжатли текшириш
	2.

Суд-бухгалтерия фанининг методи:	3.

Топшириқ № 1.3.2

1. Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг услубиятлари (методологияси) қандай тушунасиз ва жавобларингизни қуйидаги жавалда кўрсатинг:

Суд-бухгалтерия фанининг услубиятлари:	1. Бирламчи ва йиғма ҳужжатлар;
	2
	3
	4
	5
	6
	7

Топшириқ № 1.3.3

Мавзуга оид тест саволларини ечиш.

1. "Ҳаракатлар стратегияси"да Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари неча бандан иборат?

А) 5 банд. Б) 4 банд. В) 3 банд. Г) 6 банд.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунининг мақсади..

А) Ўзбекистон Республикасида судлар фаолиятини тартибга солиш ва улар устидан назорат ўрнатиш.

Б) Ўзбекистон Республикасида суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан.

В) Ўзбекистон Республикасида қонунларнинг ижросини таъминлаш.

Г) Барча судлар тизимида жиноий ишларни кўриб чиқишда одиллик принципларини таъминлаш.

3. Қуйидагиларни қайси бири «Суд-бухгалтерия экспертизаси» фанининг методини тўлиқ ифодалайди?

А) Бухгалтерия ҳужжатларини таққослаш, ҳужжатли текшириш ва моделлаштириш.

Б) Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш.

В) Бухгалтерия ҳужжатларини керақсизларини ажратиш.

Г) Бухгалтерия ҳужжатларини текшириш, уларни яроқлилик даражасини

аниқлаш ва уларни архивга топшириш.

4. Қуйидагиларни қайси бири «Суд-бухгалтерия экспертизаси» фанининг услубиятларига кирмайди?

А) Назорат солиштириш.
Б) Норматив текшириш.
В) Йўқотилган ҳужжатларни тикланишини текшириш.
Г) Ҳужжатлардаги маълумотлар ҳажмини аниқлаш.

5. Суд бухгалтерия экспертизасининг текшириш усуллари маълум бир тартибга солиниб, қандай турларга бўлинади?

А) Текширишнинг умумий усуллари.
Б) Текширишнинг махсус усуллари.
В) Текширишнинг умумий ва махсус усуллари.
Г) Текширишнинг ялпи усуллари.

II – Мавзу. СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

(Мавзу 4 та маърузадан иборат)

2.1-маъруза	СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1. Суд-бухгалтерия экспертизасининг ҳуқуқий асосларига оид 2.1.1 топшириқни бажариш. 2.Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш заруриятига оид 2.1.2 топшириқни бажариш. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш топшириқ 2.1.3
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда суд-бухгалтерия экспертизасининг ташкилий шакллари ҳақида амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Суд-бухгалтерия экспертизасининг ташкилий шакллари ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	Суд-бухгалтерия экспертизасининг ташкилий шакллари ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гурухларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 2.1.1

1. Ўзбекистон Республикасида Суд экспертизаси тизими ҳақида тушунча беринг.
2. Республикада Суд-бухгалтерия экспертизасининг ҳуқуқий-меърий асосларини ташкил этувчи ҳужжатларни аниқланг ва улар билан қуйидаги жадвални тўлдиринг

Ўзбекистон Республикасида суд экспертизаси тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар:	1.Ўзбекистон Республикасининг "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонуни
	2
	3
	4
	5

Топшириқ № 2.1.2

1. Суд экспертизаси қандай холларда тайинланади ва қачон суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилади.
2. Суд-бухгалтерия экспертизаси тайинлаш зарурияти қандай ҳолларда пайдо бўлади, жавобларни аниқлаб қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Суд-бухгалтерия экспертизаси тайинлаш зарурияти қачон пайдо бўлади?	1.Иш ҳолати билан тафтишни маълумотлари ўртасида қарама-қаршилик мавжуд бўлса;
	2.
	3.

Топшириқ № 2.1.3

Мавзуга оид тест саволларини ечиш.

1. *Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари "Ҳаракатлар стратегияси"нинг қайси бўлимида акс эттирилган?*

А) Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

Б) Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари.

В) Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

Г) Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун неча моддадан иборат?

А) 30 Б) 33 В) 31 Г) 32

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома қачон қабул қилинган?

А) 2011 йил 2-мартда. Б) 2009 йил 2-мартда.

В) 2010 йил12-мартда. Г) 2013 йил 22-мартда.

2.2-маъруза	СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ БЮРОСИ ВА БУХГАЛТЕР ЭКСПЕРТЛАРИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги суд-бухгалтерия экспертизаси бюроларига оид 2.2.1 топшириқни бажариш. 2.Бухгалтер-экспертнинг бурч ва ҳуқуқлари ва унинг ишларини ташкил этишга оид 2.2.2 топшириқни бажариш. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш топшириқ 2.2.3.
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда суд-бухгалтерия экспертизаси бюролари ва бухгалтер экспертлари ҳақида амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда суд-бухгалтерия экспер-тизаси бюролари ва бухгалтер экспертлари ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.	Талабаларда суд-бухгалтерия экспер-тизаси бюролари ва бухгалтер экспертлари ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилади.
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 2.2.1

1. Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертиза тизимидаги суд экспертизаларининг турларини аниқланг ва жавобингизни қуйидаги жавалга жойлаштиринг.

Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертиза тизимининг муассасаларида ўтказиладиган суд-	1.
	2.

экспертизаларининг турлари:	3.Вилоят суд-.бухгалтерия эксперти-залари бўлимлари

Топшириқ № 2.2.2

1. Бухгалтер-эксперт ким ва у қандай вазифани бажаради?

2.Жиноий процессуал қонунчиликда эксперт жиноий ишни кўришда қатнаша олмайдиган ҳолларни аниқланг ва қуйидаги жавални тўлиринг.

Жиноий процессуал қонунчиликда эксперт жиноий ишни кўришда қатнаша олмайдиган ҳоллар:	1.Агар эксперт ишда жабрланган фуқаро ёки жавобгарнинг яқин киши бўлса;
	2
	3
	4
	5
	6
	7

Топшириқ № 2.2.3

Мавзуга оид тест саволларини ечиш.

1. Экспертиза неча босқичда амалга оширилади?

А) Текшириш, хулоса чиқариш. Б)Хулоса ва ижро.
В) Тайёргарлик, текшириш, хулоса. Г)Тузатиш, йиғиш ва тақдим этиш.

2. Эксперт – бу...

А) Суд-бухгалтерия соҳасида махсус билимга эга бўлган ёлланма мутахассис бўлиб, у фақат суд-прокуратура органлари манфаатларини ҳимоя қилади.
Б) Суд экспертизаси бўйича махсус билимга эга бўлган ҳар қандай фуқаро бўлиб, у фақат айбланувчининг айблов даражасини ҳужжатлар асосида аниқлаб беради.
В) Фан - техника, хунар, санъат соҳасида махсус билимга эга бўлган (мутахассис), экспертиза муассасаларидан бирида ишловчи процессуал шахсдир.
Г) Мулкни талон-тарож бўлишига йўл қўймайдиган, қонунлар асосида иш тутадиган шахсдир.

3. Суд экспертизасини ўтказиш учун бошқа шахсларни жалб қилиш қандай амалга оширилади?

А) Суд экспертизасини ўтказишда ҳар қандай шахс қатнашиши мумкин.
Б) Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) билан келишмасдан бошқа шахсларни суд экспертизасини ўтказиш учун жалб қилишга йўл қўйилмайди.
В) Суд раиси рухсати билан.
Г) Айбланувчининг истагига мувофиқ.

MYOT
TI
KAZI
<2574

2.3-маъруза	СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ЎТКАЗИШ ПОҒОНАЛАРИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустахкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1.Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш учун асос ва ўтказиш тартибига оид 2.3.1 топшириқларни бажариш; 2.Қўшимча ва иккиламчи суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишга оид 2.3.2 топшириқни бажариш. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш, топшириқ 2.3.3
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда суд-бухгалтерия экспертизасини белгилаш заррурияти, асоси ва тартиби ҳамда экспертиза турлари ҳақида амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда суд-бухгалтерия экспер-тизасини белгилаш заррурияти, асоси ва тартиби ҳамда экспертиза турлари ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил килиш	Талабаларда суд-бухгалтерия экспер-тизасини белгилаш заррурияти, асоси ва тартиби ҳамда экспертиза турлари ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил килади
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириклар ечимини текшириш

Топшириқ № 2.3.1

1. Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳужжатнинг номи ва у ким томонидан берилади;
2. Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳужжатнинг мазмуни ва расмийлаштириш тартиби.
3.Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш учун зарур бўлган қатор ҳолатларни аниқланг ва жавобингизни қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш учун зарур бўлган ҳолатлар:	1.Тафтиш ва тергов материаллари мос келмаганда;
	2
	3
	4
	5
	6
	7
	8
	9
	10
	11

4.Суд-бухгалтери экспертизасини тайинлаш учун асос бўлган ҳужжат(суд ёки теговчининг қарори)да нималар кўрсатилган бўлиши шарт?

Суд ёки терговчининг қарорида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:	1.Экспертиза ўтказиш учун асос;
	2.
	3.
	4.

Топшириқ № 2.3.2

1. Дастлабки, иккиламчи ва қўшимча экспертиза ҳақида тушунча беринг.
2. Юқорида кўрсатилган экспертизаларни қайси органлар ўтказади?
3. Қўшимча экспертизани ўтказиш қайси экспертиза органига юклатилади?
4. Иккиламчи экспертиза қандай ҳолларда тайинланади, жавобларни қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

Иккиламчи экспертиза қуйидаги ҳолларда тайинланади
1. Хулоса берган эксперт малакасиз бўлса;
2.
3.
4.
5.

Топшириқ № 2.3.3
Мавзуга оид тест саволларини ечиш

1. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш масалалари "Ҳаракатлар стратегияси"нинг қайси бўлимида акс эттирилган?
А) 2 –бўлимда. Б) 4- бўлимда. В) 3- бўлимда. Г) 5- бўлимда.

2. Қўшимча суд экспертизаси қачон тайиланади?
А) Экспертизани ўтказиш муддати узайтирилганда.
Б) Айбланувчи суд ажримидан норози бўлганда.
В) Айбловчи суд ажримидан норози бўлганда.
Г) Қўшимча суд-экспертизаси суд жараёнида аниқланган хулосадаги бўшлиқларни тўлдириш талаб қилинганда.

3. Қайси ҳолатларда иккиламчи суд бухгалтерия экспертизаси ўтказиш мумкин?
А) Экспертиза ўтказиш мудати икки соат кечикканда.
Б) Экспертиза ўтказиш мудати икки соат олдин тугаганда.
В) Экспертиза хулосаси кечикиб топширилганда.
Г) Экспертиза ўтказиш тартиб-қоидалари бузилганда ёки биринчи экспертиза материалларига қарама-қарши материаллар тақдим этилганда.

4. "Махсус бухгалтер" ким ва қандай суд-бухгалтерия экспертизасига жалб этилади?
А) Махсус бухгалтер экспертчи тергов ва суд ишларига таклиф қилинган бўлиб, консультация бериш учун чақирилади
Б) Махсус бухгалтер терговчига ёрдам беради.
В) Махсус бухгалтер айбдорга ёрдам беради.
Г) Махсус бухгалтер экспертизасини ўтказиш жараёнида суд райисига ёрдам кўрсатади.

5. Текшириш ҳажмига қараб экспертиза...

А) Асосий ва қўшимча экспертизаларга бўлинади;
Б) Бош ва иккинчи даражали экспертизаларга бўлинади.
В) Дастлабки ва сўнгги экспертизаларга бўлинади.
Г) Тўлиқ ва чала экспертизаларга бўлинади.

2.4-маъруза	СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1.Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлашга оид 2.4.1 топшириқни бажариш. 2. Оператив ва норасмий ёзувларга оид 2.4.2 топшириқни бажариш. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш, 2.4.3 топшириқ.
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳақида амалий кўникмаларни шакллантириш.

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда суд-бухгалтерия экспер-тизасини маълумотлар билан таъ-минлаш ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.	Талабаларда суд-бухгалтерия экспер-тизасини маълумотлар билан таъ-минлаш ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилади.
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 2.4.1

1. Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беринг.

2. Жиноий ишлар кодексига асосан эксперт-бухгалтернинг ҳуқуқларини аниқланг ва жавобингизни қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

Эксперт-бухгалтернинг ҳуқуқлари	**1.**Экспертиза предметига оид материаллари билан танишиш, улардан кўчирма ёки нусха олиш;
	2.
	3.
	4.

3.Суд-бухгалтерия экспертизасига тақдим этилган сифатсиз материалларнинг турларига нималар киради?. Қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Суд-бухгалтерия экспертизасида сифатсиз материаллар турлари:	1.Тафтиш хулосасини асоссизлиги
	2.
	3.

Топшириқ № 2.4.2

1.Судда суд-бухгалтерия экспертизаси экспертининг хулосаси тўлиқлигини аниқлаш қандай амалга оширилади.
2.Суд-бухгалтерия экспертизасини материал ва маълумотлар билан таъминлаш хусусиятлари нималардан иборат.
3.Оператив ва норасмий ёзувлар ҳақида тушунча беринг улар неча гуруҳга бўлинади, жавобингизни (гуруҳларни)қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

Оператив ва норасмий ёзувлар гуруҳларига қуйидагилар киради:	1.Тегишли йўриқномаларда белгиланган, лекин бухгалтерия ҳисобида бевосита қўлланмайдиган ҳужжатлар;
	2.
	3.
	4.
	5.

Топшириқ № 2.4.3
Мавзуга оид тест саволларини ечиш

1.Суд-бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосини аниқланг?

А) Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги қонуни.
Б) Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни.
В) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.
Г) Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни.

2. Экспертиза ўтказиш учун талаб қилинган қўшимча материаллар тақдим этилмаса...

А) Экспертиза тўхтатилади.
Б) Экспертиза кечиктирилади.
В) Қўшимча материаллар 30 кун мобайнида тушмаган тақдирда эксперт текширишни мавжуд материаллар бўйича ўтказади.
Г) Қайта экспертиза тайинланади.

3.Терговчи томонидан кўрилмаган ҳужжатлар билан эксперт-бухгалтернинг ишлаши мумкинми?

А) Мумкин, суд райиси розилик берганда.
Б) Мумкин, айбланувчи талаб қилганда.
В) Мумкин, эксперт-бухгалтернинг шахсий ташаббусига биноан.
Г) Мумкин эмас, Ўзбекистон Республикасининг ЖПК асосан Эксперт-бухгалтер ишда мавжуд бўлган ҳужжатлар бўйича операцияларни ўрганади ва хулоса беради.

4. Экспертнинг фикри айбланувчига тақдим этилганда қандай ҳужжат тузилади?
А) Тушунтириш хати. Б) Баённома. В) Далолатнома. Г) Ариза.

5. Суд-бухгалтерия экспертизасини қандай ҳужжатга асосан ва ким тайинлайди?

А) Прокуратура органининг қарорига асосан прокурор.
Б) Суд органининг қарорига ососан суд райиси.
В) Маҳаллий ҳокимият органларнинг қарорларига асосан ҳокимлар.
Г) Суд-прокуратура органлари терговчиларининг қарорлари ва суд ажримига асосан.

6. Суд бухгалтерия экспертизасини тайинлашдан олдин...
А) Терговчи буйрук чиқаради.
Б) Терговчи фармойиш қабул қилади.
В) Терговчи қарор чиқаради.
Г) Терговчи эълон беради.

III – МАВЗУ
АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ ХЎЖАЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ

(мавзу 7 та маърузадан иборат)

3.1-маъруза	КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1. Корхонада касса хўжалигини тўғри ташкил этилишини суд-бухгалтерия экспертизаси ва «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари» ни ижросига оид 3.1.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масалалар ечиш.3.1.2 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш,3.1.3 топшириқ.
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда корхонада касса хўжалигини тўғри ташкил этилиши ва «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари» ни ижроси ҳақида амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда корхонада касса хўжалигини тўғри ташкил этилиши ва «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари» ни ижроси ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.	Талабаларда корхонада касса хўжалигини тўғри ташкил этилиши ва «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари» ни ижроси ҳақида амалий кўникмаларни ҳосил қилади.
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 3.1.1

1. Касса муомалаларини юритишда Марказий Банк бошқармасининг «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари»га риоя қилиш тартиби.
2. Касса хўжалигини инвентаризация ўтказишда № 19 – бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (1.5 моддаси)га мувофиқ ўтказилиши тартиби.

Топшириқ № 3.1.2

Мавзуга оид масалалар ечиш

1-Масала. 2016 йил 22-февралда касса ҳисоботига кўра экспедитор П. Салимовга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозордан харид қилиш учун кассага тушган пулдан 500 000 сум нақд пул берилган. Берилган суммага касса чиқим ордери(корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзо чекилган) илова қилинган. Касса чиқим ордерига асосан қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилган:

Дебет	Кредит	Сумма
2910	5010	500 000

Талаб қилинади:

1.Хўжалик операциясини юритишдаги хатони аниқлаш;

2.Аниқланган хатони тузатиш бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

2-Масала. Ходимга 2016 йилнинг январь ойида "Самарқанд-Тошкент" йўналишидаги 3 кунлик сафар учун сафар харажатлари тасдиқланган аванс суммаси - 315 000 сум берилди, шундан транспорт харажатлари(таксида) ҳар иккала томонга биргаликда 40 000 сум, овқат пули 30 000 сум, ётоқ пули меҳмонхона квитанцияси бўйича 45 000 сум.

Минимал иш ҳақи 68600 сум, транспорт харажатлари темир йўл тарифи бўйича 13500 сум(бир томонга) овқат пули бир кунга энг кам иш ҳақи миқдоридан 10 % ва ётоқ пули минимал иш ҳақи миқдоридан 3%(квитанция бўлмаса) хисобланиши лозим эди.

Талаб қилинади:

1.Ходим билан сафар харажатлари бўйича ҳисоб-китоблардаги четланишларни аниқлаш;

2. Йўл қўйилган хатоликларга эксперт-бухгалтер хулосаси бериш

3-Масала. Корхона ходими Т.Рахмонов. 2016 йил декабрь ойи учун ойлик маошини олмаганлиги ва тўлов қайдномаси (ведомост) да бошқа киши имзо чекканлиги ҳақида корхона раҳбарига арз килди. Бухгалтерияда мавжуд хужжатларга асосан 2016 йилнинг декабрь ойи учун тўлов ведомости ёпилган,

депонент суммаси мавжуд эмас ва 257 000 сум Т. Рахмоновга тўланганлиги ҳақида имзо чекилган.

Талаб қилинади:

1.Корхона ходими Т.Рахмоновга муаммони ҳал этиш учун кўрсатма бериш.

2.Ушбу муаммо қайси идорада ва қандай ҳал қилинади(Суд-бухгалтерия экспертизаси тавсияси бериш).

4-Масала. 2016 йил 20 март куни корхона кассасига банкдаги хисоб рақамидан ишчи-хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун 2 600 000 сум нақд пул олинди. Шу йилнинг 22 март куни тўлов қайдномаси бўйича 2 000 000 сум ишчи-хизматчиларга иш ҳақи тўланиб, қолган 600 000 сум бошқа ходимга сафар харажатлари учун бўнак сифатида касса чиқим ордери билан берилди.

Талаб қилинади:

1.Ушбу операция бўйича йўл қўйилган хатони аниқлаш;

2. Эксперт-бухгалтер хулосасини ёзиш.

5-Масала. 2016 йилнинг 21 март куни кечаси соат 21-00 атрофида "Зиёда" умумий овқатланиш корхонасининг кассасига ўғри тушганлиги ҳақида тунги қоравулдан маълумот келиб тушди. Зудлик билан вокеа жойига корхона раҳбари, кассир ва бош бухгалтер чақирилди. Корхона раҳбарининг буйруғи билан комиссия тузилиб, кассада мавжуд бўлган пул маблағлари инвентаризация қилинди. Инвентаризация натижасида бўйича қуйидагилар аниқланди:

-пул маблағлари бўйича камомад 3 200 000 сўм;

-темир сейф тагида ҳар турдаги тилла буюмлар (2 жуфт тилла халқа ва 2 та тилла узук) борлиги аниқланди;

Кассирнинг тушунтириш хатига биноан тилла буюмлар кассирнинг қизига тегишли бўлиб, уларни вақтинча сақлаш учун (қизининг турмуш ўртоғи билан ажралиш арафасида) онасига топширган. Инвентаризация натижалари бўйича корхона раҳбари камомад суммаси 3 200 000 сўмни кассир тўласа унга тилла буюмлар қайтариб берилишини буюрди. Шундай қилиб камомад суммаси кассирдан ундириб олинди ва тилла буюмлар унга қайтариб берилди.

Изоҳ: 1. "Ипотека банки томонида кассада пул маблағлари қолдиқ лимити жорий йилда 200 000 сўм белгиланган.

2. Корхонада ишчи-хизматчиларга маош тўлаш муддати 5- чи ва 15- саналар белгиланган.

Талаб қилинади:

1. Ушбу операция бўйича йўл қўйилган хатони аниқлаш;

2. 19-БҲМС "Товар-моддий бойликларни инвентаризация қилиш тартиби" қандай бузилди?

2. Бу ҳолатда қандай иш тутиш лозим эди? Эксперт-бухгалтер тавсиясини беринг.

Топшириқ № 3.1.3

Мавзуга оид тест саволларини ечиш

1. Касса муомалаларини текшириш қандай ҳужжатлар асосида бўлади?

А) Юк хати товар-транспорт накладнойи, банк кўчирмаси.

Б) 2-журнал-ордер, материалларни қабул қилиш далолатномаси.

В) Депонентлар тўлови қайдномаси.

Г) Касса кирим, чиқим ордерлари, касса дафтари, чек дафтарчаси, иш ҳақи тарқатиш қайдномаси, тўлов квитанциялар.

2. Савдо пуллари магазин кассасига тўла қабул қилинганлигини қайси ҳужжатларда тасдиқланади?

А) Савдо пуллари тўла қабул қилинганлиги товар жўнатувчи ва банк ҳужжатига асосан тасдиқланади.

Б) Савдо пуллари тўла қабул қилинганлиги товар сотиб олувчи ҳамда пудратчининг ҳужжатларига асосан тасдиқланади.

В) Бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилган савдо пули магазин кассасига тўла қабул қилинганлиги товар ва касса ҳисоботлари билан тасдиқланади.

Г) Савдо пуллари тўла қабул қилинганлиги ҳисобдор шахс ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари билан тасдиқланади.

3.Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:«Ҳаракатлар стратегияси"нинг қайси бўлимига оид?

А) 4- бўлим. Б) 3- бўлим. В) 2- бўлим. Г) 1- бўлим.

3.2-маъруза	БАНКДАГИ ҲИСОБ-КИТОБ РАҚАМИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1. Банкдаги ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишга оид 3.2.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масалалар ечиш, 3.2.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 3.2.3 топшириқ.
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда банкдаги ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда банкдаги ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	Талабаларда банкдаги ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 3.2.1

1. Банкда ҳисоб-китоб рақамини очиш тартиби.
2.Банкдаги ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларини ҳаракати ва уларни ишлатилиши бўйича суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш тартиби.

Топшириқ № 3.2.2

Мавзуга оид масалалар ечиш.

1-Масала. Банк кўчирмаси бўйича 2016 йил 15-октябрь санасида 230 000 сўм материаллар базасига пул кўчирилган. Тўланган счётга юк хати илова қилинмаган. Ҳисоб регистрида юкоридаги сумма қуйидагича акс эттирилган:

Д-т 6010 К-т 5110 230 000

Материаллар ҳисоби регистрида ҳамда материаллар ҳаракати ҳисоботида материаллар кирими счёти ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Талаб қилинади:

1. Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини аниқлаш:

2. Хатоликни тўғрилаб, унга суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

2-Масала. Шартнома бўйича корхона келгусида материал етказиб бериш шарти билан харидордан 180 000 сўм бўнак олган. Бухгалтерия ҳисобининг № 6310-«Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти бўйича регистрда январь ва март ойларида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган.

Д-т 5110 К-т 6310 180000

Д-т 6310 К-т 6010 180000

Талаб қилинади:

1.Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини аниқлаш;

2.Хатоликни тўғрилаб, унга суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

3-Масала. "Субҳидам" корхонасининг кассасига банкдаги ҳисоб рақамидан жами 2016 йил 16-январь куни 6 000 000 сум накд пул олинди. Чекда қуйидаги мақсадларга сарфлаш кўрсатилган:

-иш ҳақи учун 3500 000 сум;

-касаллик варақаларига тўлаш учун 1500 000 сум;

-ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам учун 1000 000 сум.

Кассир ўзининг касса ҳисоботи бўйича банкдан олинган накд пулларни қуйидаги мақсадлар учун харажат қилди:

-иш ҳақи учун 3 000 000 сум;

-касаллик варақалари учун 1 000 000 сум;

-ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам учун 1 000 000 сум;

-сафар харажатлари учун бўнак 1000 000 сум.

Талаб қилинади:

1."Субҳидам" корхонаси кассасида кассир томонидан йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш;

2. Хатоликни тўғрилаб, унга эксперт тавсиясини бериш.

Топшириқ № 3.2.3

Мавзуга оид тест саволларини ечиш

1. Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом қачон қабул қилинган?

А) 2011 йил 5 январь. Б) 2010 йил 5 январ

В) 2009 йил 5 январ Г) 2008 йил 5 январ

2. Корхона нечта ҳисоб-китоб рақамига эга бўлиши мумкин?

А) 4та. Б) 3та. В) 2та. Г) 1та

3. Чек дафтарчалари каерда сақланади?

А) Банкда сақланади. Б) Архивда сақланади.

В) Бухгалтерияда сақланади. Г)Ички аудиторда сақланади.

4. Корхонада банкдаги ҳисоб-китоб рақамидан нақд пул олишда қандай ҳужжат расмийлаштирилади?

А) Тўлов топшириқномаси. Б)Тўлов талабномаси.

В) Чек. Г) Реестр.

3.3-маъруза	БАНКДАГИ БОШҚА СЧЕТЛАРДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1. Банкдаги валюта ва бошқа махсус счетлардаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишга оид 3.3.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масалалар ечиш, 3.3.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 3.3.3 топшириқ.
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда банкдаги валюта ва бошқа махсус счетлардаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда банкдаги валюта ва бошқа махсус счетлардаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	Талабаларда банкдаги валюта ва бошқа махсус счетлардаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари	Мунозара,сухбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 3.3.1

1.Банкда валюта счетини очиш ва валюта ҳисобини юритиш тартиби.

2.Банкдаги валюта счети бўйича операцияларнинг суд-бухгалтерия экспертизаси.

3.Банкдаги бошқа счётлардаги пул маблағларини ишлатилишини суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш тартиби.

Топшириқ № 3.3.2
Мавзуга оид масалалар ечиш

1-масала: Валюта счёти қолдиғи 1 январь ҳолатига 5 000 АҚШ долларини ташкил этган, 5 январда валюта счётига 3 000 АҚШ доллари хорижий харидордан келиб тушган, 21 январда 6 000 АҚШ доллари хорижий таъминотчига ўтказилган. Марказий банк эълон қилган расмий курс: 1 январга 1200 сўм; 5 январга 1205 сўм; 20 январга 1210 сўм; 1 февралга 1220 сўм.
Корхона бухгалтери томонидан 5 январда хорижий харидордан келиб тушган 3 000 АҚШ долларининг миллий валютадаги суммасини аниқлаб унга қуйидагича бухгалтерия проводкаси берган:

Дебет 5210 Кредит 6810 3 600 000 сўм

Талаб қилинади:

1.Корхона бухгалтерисида юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини;

2. Бухгалтерия проводкаси тўғри берилганлигини;

2.Хатоликларни тўғрилаб, унга суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

2-масала. Банкдаги валюта счётига 2-январь куни 6 000 АҚШ доллари хорижий харидорлардан келиб тушган. 4-январь куни хорижий товар етказиб берувчиларга 4 000 АҚШ доллари бўнак сифатида кўчирилган. Марказий банк эълон қилган расмий курс: 2- январга 1200 сўм бўлган, 4-январга 1300 сўм бўлган.

Корхона бухгалтериясида хорижий товар етказиб берувчиларга кўчирилган 4 000 АҚШ долларига қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилган:

Дебет 6410 Кредит 5210 4 800 000 сўм

Талаб қилинади:

1.Корхона бухгалтериясида юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини;

2. Бухгалтерия проводкаси тўғри берилганлигини;

2.Хатоликларни тўғрилаб, унга суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

Топшириқ № 3.3.3

Мавзуга оид тест саволларини ечиш

1. Валюта счётидаги пул маблағлари ҳисобга олинади...

А) Чет эл валютасида. Б) Миллий ва чет эл валютасида.
В) Миллий валютада. Г) Фақат АҚШ долларида.

2. Аккредитивнинг турлари нечта?

А) 4 та. Б) 2 та. В) 3 та. Г) 1 та.

3. Банкларда махсус счётлар нима мақсадларда очилади?

А) Манзилли мақсадлар учун ижтимоий объектларни молиялаштириш учун очилади.
Б) Манзилли мақсадлар (ижтимоий объектларни молиялаштириш, ҳукумат органларининг субсидиялари ва грантларини ҳисобини юритиш) учун очилади.
В) Хўжалик операциялари учун пул кўчириш мақсадида.
Г) Чет мамлакатлар билан ҳисоб-китоблар олиб бориш учун.

4. Пул эквивалентлари счётида қандай маблағлар ҳисобга олинади?

А) Кредит счетидаги пул маблағлари.
Б) Вақтинча банкка қўйилган омонатлар.
В) Маркалар, билетлар, йўлланмалар ва бошқа пул эквивалентлари.
Г) Касса лимитидан ортиқча пул маблағлари.

5. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш «Ҳаракатлар стратегияси"нинг қайси бўлимига онд?

А) 4- бўлим. Б) 3- бўлим. В) 2- бўлим. Г) 1- бўлим.

3.4-маъруза	ТОВАР МОДДИЙ БОЙЛИКЛАР ЮЗАСИДАН СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача	
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот	
Амалий машғулот режаси	1. Товар модий бойликлар юзасидан суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишга оид 3.4.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масалалар ечиш, 3.4.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 3.4.3 топшириқ.	
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда товар модий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ операцияларни суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда амалий кўникмаларни шакллантириш	
Педагогик вазифалар:		***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда товар модий бойликлар юзасидан суд-бухгалтерия экспер-тизасини ўтказишда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш		Талабалар товар модий бойликлар юзасидан суд-бухгалтерия экспер-тизасини ўтказишда амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари		Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари		Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари		Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити		Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш		Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 3.3.1

1. Товар моддий бойликлар гуруҳига кирувчи элементларни тавсифлаб бериш.
2. Савдо ташкилотларида товар-моддий бойликлар (улгуржи базалари, чакана савдо корхоналари) юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси олдида қандай масалалар қўйилади?, жавобингизни қуйидаги чизмага жойлаштиринг:

Савдо ташкилотларида товар-моддий бойликлар юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси олдига қўйиладиган масалалар:	1.Товар моддай бойликлар камомадининг ташкил топиш даври ва жойи, моддий жавобгар шахслар давраси;
	2.
	3.
	4.
	5.
	6.
	7.
	8.

3. Улгуржи, савдода товар ҳаракати жараёнида товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ва камомадини ниқоблаш мақсадида мутахассис амалиётида тез-тез учраб турувчи суиистеъмоллар нималардан иборат?, жавобингизни қуйидаги чизмага жойлаштиринг:

Улгуржи, савдода товар ҳаракати жараёнида товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ва камомадини ҳисоблаш мақсадида мутахассис амалиётида тез-тез учраб турувчи суиистеъмолларнинг турлари:	1.Келиб тушган товар-моддий бойликларни ҳисобда тўла ёки қисман кирим қилмаслик;
	2.
	3.
	4.
	5.
	6.
	7.
	8.
	9.

4. Улгуржи савдо корхоналарининг товар муомалалари бўйича суд-бухгалтерия экпертизаси ўтказишда эксперт текширишнинг усулларини аниқланг ва жавобларни қуйидаги жадвалга жойлаштиринг:

Улгуржи савдо корхоналарининг товар муомалалари бўйича суд-бухгалтерия экпертизаси ўтказишда эксперт текширишнинг қуйидаги усуллари қўлланилади:	1. Ҳужжатли текшириш
	2.
	3.
	4.

5. Чакана савдо корхоналарида қандай ҳолларда суд-бухгалтерия экспертизаси изланишлари ўтказилади? Жавбингизни қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

Чакана савдо корхоналарида қуйидаги ҳолларда суд-бухгалтерия экспертизаси изланишлари ўтказилади:	1.Дўконда кирим қилинмаган товар бўлганда ва товар нархи ортиқча қўйилганда;
	2.
	3.
	4.
	5.

Топшириқ № 3.3.2
Мавзуга оид масалалар ечиш

1-масала. "Орзу" (чакана савдо билан шуғулланувчи) МЧЖнинг ходими У.Салимовнинг омбори навбатдаги инвентаризация ўтказилиши натижасида қуйидагилар аниқланган:

-товарлар бўйича камомад- 450 000сум;

-тара(бочка ва яшиклар) бўйича ортиқча- 60 000сум;

-ёнғин шитидаги инвентарлар бўйича камомад- 40 000 сум;

Корхона бухгалтериясида омбор мудири У.Салимов ҳисоб-китоб қилиниб, ундан 430 000 сум ундириб олинди.

Талаб қилинади:

1. Корхона бухгалтерияси томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқлаш;
2. Ушбу хатоликни тўғрилаб, унга эксперт тавсиясини бериш.

2-масала. "Фарход" МЧЖга қарашли № 1 дўконда (дўкон мудири-Х.Махмудов) харидорларнинг аризасига мувофиқ навбатдан ташқари (олдинги инвентаризациядан 3 ой ўтгандан кейин) инвентаризация ўтказилиб, қуйидаги натижа аниқланди:

-товарлар бўйича камомад- 400 000 сум.

-идиш-тара материаллари бўйича камомад- 50 000 сум.

МЧЖ бухгалтериясида якуний натижа аниқланиб дўкон мудиридан 450 000 сўм ундириб олинди.

МЧЖ маъмурияти дўкон мудири Х.Махмудовга нисбатан харидорлар билан кўпол маомалада бўлганлиги учун табиий камайиш меъёрини қўлламасликни буюрди.

Талаб қилинади:

1. Корхона раҳбари ва бухгалтерияси томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқлаш;
2. Ушбу хатоликни тўғрилаб, унга эксперт тавсиясини бериш.

Топшириқ № 3.3.3
Мавзуга оид тест саволларини ечиш.

1. Товар моддий захиралари қайси БҲМСга асосан ҳисобга олинади?

А) № 1 Б) № 5 В) № 7 Г) № 4

2. Хўжалик процессуал кодексининг вазифалари...

А) Иқтисодиёт соҳасида корхона манфаатларини ҳимоя қилиш.

Б) Иқтисодиёт соҳасида муассаса ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилиш.

В) Иқтисодиёт соҳасида фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Г) Иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқукларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш.

3. Катта хажмда камомад ва талон-тарожларга йул қуйилганда тергов органларига тафтиш ўтказишда қандай асослар бўлади?

А) Жиноятнинг айрим фактлари аниқланса.

Б) Бухгалтерия ҳисобини юритишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигидан келиб чиқиб дастлабки ҳужжатларни нотўғри тузилганлиги тўғрисида айбланувчининг тавсияномаси ҳамда дастлабки ҳужжатлардан фойдаланиш билан бўлган ўзгаришларни айбланувчилардан олинганда.

В) Суд жараёнида айбланувчи талаб қилганда.

Г) Бухгалтер-эксперт талаб қилганда.

4. Товарсиз муомалаларнинг асосий хусусияти нимада акс этади?

А) Моддий жавобгар шахс савдога келган товарларнинг бир қисмини кирим қилмайди.

Б) Моддий жавобгар шахс шартнома асосида бир савдо корхонасидан иккинчи савдо корхонасига товарларни ўтказиш тўғрисидаги юк хатини тузади хамда унда ҳисоботда бўлмаган товарлар харажатини акс эттиради.

В) Моддий жавобгар шахс товарлар қолдиғини камайтириб кўрсатиш мақсадида чиқим ҳужжатларини ўзгартиради.

Г) Моддий жавобгар шахс савдодан тушган накд пулларни бир қисмини кассага топширмайди.

3.5-маъруза	УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1.Умумий овқатланиш корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишга оид 3.5.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масала ечиш, 3.5.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 3.5.3 топшириқ.
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда умумий овқатланиш корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда умумий овқатланиш корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	Талабалар умумий овқатланиш корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 3.5.1

1. Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш корхоналарини ташкил этиш, уларда овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби қандай меъёрий ҳужжат билан амалга оширилади?
2. Умумий овқатланиш корхоналарида хом ашё учун ўртача салмоқли баҳолар қўлланилиши қандай амалга оширилади?
3.Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариладиган таомларнинг сотиш баҳосини аниқлайдиган далил бўлувчи ҳужжатнинг номи ва унинг аҳамитини тушунтириб беринг.

Топшириқ № 3.5.2
Мавзуга оид масалалар ечиш

1-масала. "Зухра" умумий овқатланиш корхонасининг ошпази омборида 650 000 сўмлик ҳужжатсиз моллар(мол гўшти) борлиги аниқланди. Ушбу факт бўйича омборда навбатдан ташқари инвентаризация ўтказилиб, қуйидаги натижа қайд этилди:

-товарлар бўйича ортиқча - 650 000 сўм;

-корхонанинг ўзининг маҳсулотлари бўйича камомад- 1 200 000 сўм.

Корхона бухгалтериясида якуний ҳисоб-китоб қилиниб, ошпаздан 550 000 сўм ундириб олинди.

Талаб қилинади:

1. Корхона бухгалтерияси томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқлаш;
2. Ушбу хатоликни тўғрилаб, унга эксперт тавсиясини бериш.

2-масала. "Сайида" умумий овқатланиш корхонаси экспедиторига корхона кассасидан бозордан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 2 000 000 сўм бўнак берилган. Экспедитор бухгалтерияга топширган ҳисоботи бўйича 500 кг картошка (1 килограми 2000 сўмдан) ва 400 кг сабзи (1 килограми 2500 сўмдан) сотиб олган.

Корхона бухгалтерияси экспедитор ҳисоботи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берган:

Д-Т 2920 К-Т 5010 2 000 000

Талаб қилинади:

1. Корхона бухгалтерияси томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқлаш;
2. Ушбу хатоликни тўғрилаб, унга эксперт тавсиясини бериш.

Топшириқ № 3.5.3
Мавзуга оид тест саволлари ечиш

1. Умумий овқатланиш корхоналарида қандай жараён амалга оширилади?

А) Савдо. Б) Ишлаб чиқариш.

В) Хизмат кўрсатиш. Г) Юқоридаги барча жараёнлар.

2. Умумий овқатланиш корхоналари амалиётида суистеъмолларнинг қандай усуллари мавжуд?

А) Ошхонада тайёрланган маҳсулотга белгиланган меъёрдан кам масаллик сарфлаш.

Б) Ошхонада тайёрланган маҳсулотга белгиланган меъёрдан кўп масаллик сарфлаш.

В) Ошхона буфетида маҳсулотларни паст нархларда сотиш.

Г) Буфет учун сотиб олинган маҳсулотларни ошхона (кухня)га бериш.

3. Умумий овқатланиш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳисобга олишни текширишда қандай ҳужжатлардан фойдаланилади?

А) Ошхона маҳсулотлари харажати тўғрисидаги мудир хисоботи, маҳсулотларнинг қабул қилинищи ва сарфланишга ёзма қайдномалардан.

В) Буфетни таъминлаш учун сотиб олинган маҳсулотлар ҳужжатларидан.

Б) Ошхона махсулотларини реализацияси тўғрисидаги таомнома(меню)дан.

Г) Буфетдан накд пулга сотилган товарлар ҳужжатларидан.

4. Қандай ҳолатларда амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофик умумий овқатланиш корхоналарида камомадни ва ортиқчаликни бир бирига қоплаш мумкин?

А) Умумий овқатланиш корхоналарида камомадни ва ортиқчаликни бир бирига қоплаш корхона раҳбари рухсати билан амалга оширилади.

Б) Умумий овқатланиш корхоналарида камомадни ва ортиқчаликни бир бирига қоплаш корхона бош бухгалтери рухсати билан амалга оширилади.

В) Умумий ҳолатда товарлар бўйича камомад ёки ортиқчалик аниқданганда уларни бир бирига қоплаш товарларнинг ташқи кўринишида ўхшашлик бўлганда амалга оширилади.

Г) Умумий овқатланиш корхоналарида товарлар бўйича камомад ёки ортиқчалик аниқданганда уларни бир бирига қоплаш мумкин эмас.

3.6-маъруза	ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАЛАРИДА СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача	
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот	
Амалий машғулот режаси	1.Қурилиш ва таъмирлаш корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишга оид 3.6.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масалалар ечиш, 3.6.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 3.6.3 топшириқ.	
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда қурилиш ва таъмирлаш корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда амалий кўникмаларни шакллантириш	
Педагогик вазифалар:		***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда қурилиш ва таъмирлаш корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш		Талабалар қурилиш ва таъмирлаш корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари		Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари		Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари		Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити		Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш		Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 3.6.1

1.Қурилиш ташкилотларида олиб бориладиган бухгалтерия ҳисоби ишларини эксперт-бухгалтер томонидан текширилганда қандай номувофиқликларга дуч келиши мумкин?

2.Таъмирлаш корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

Топшириқ № 3.6.2

Мавзуга оид масала ечиш

1-масала: "Бинокор" қурилиш-тамирлаш МЧЖ нинг омборини 2016 йил 10 июн куни "Шаҳарсувоқава" ташкилотиги тегишли қувур тизими ёрилиб сув босган. Қурилиш материаллари сақланадиган омборни сув босиши сабабли

корхонада МЧЖ ходимларидан иборат комиссия тузилиб,(комиссия таркибида "Шаҳарсувоқава" ва бошқа ташкилотлардан вакил қатнашмаган) инвентаризация ўтказилган. Инвентаризация натижалари қуйидагича:

-10 тонна М-400 маркали (тоннаси 150.0 минг сўм)цемент яроқсиз бўлиб, сув тагида қолган;

-40 рулон рубироид (рулони 20.0 мин. сум) сув остида қолиб, қисман яроқсиз ҳолга келганлиги аниқланди.

Омбор мудирининг содир бўлган ҳодиса бўйича тушунтириш хатида бундан олдин ҳам шундай воқеа рўй берганлиги ва бу ҳақда МЧЖ раҳбариятига "Билдирги" билан мурожаат қилганлигини ёзган.

Омбор мудирининг тушунтириш хати устига МЧЖ раҳбарини "яроқсиз цемент нархи моддий жавобгар шахсдан ундириб олинсин, 40 рулон рубироид хўжалик мудири(завхоз)га топширилсин" дейилган "виза" қўйилганлиги сабабли корхона бухгалтерияси омбор мудиридан 600 000 сўм ундириб олган.

Талаб қилинади:

1. Корхона раҳбари ва бухгалтерияси томонидан йўл қўйилган хатоликни аниклаш;

2. Ушбу ҳолатда кохона қандай иш тутиши лозим эди ва унга суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

Топшириқ № 3.6.3

Мавзуга оид тест саволлари ечиш

1. Қурилиш – бу...

А) Иқтисодиётнинг бир тармоғи. Б) Жараён.

В) Фаолият тури. Г)Иқтисодиёт тармоғи, бўлиб,фаолият натижасида бино, объектлар яратилади.

2. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби объектлари таркибини тўлиқ ифодаловчи жавобни топинг?

А) Активлар.

Б) Активлар ва мажбуриятлар.

В) Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал.

Г)Активлар,мажбуриятлар, хусусий капитал ва хўжалик фаолияти натижалари.

3. Қурилиш ташкилотларида ҳисоб сиёсатини қайси орган тасдиклайди?

А) Вазирлар Маҳкамаси. Б) Молия Вазирлиги таслдиқлайди.

В) «Ўздавархитектқурилиш» АК. Г) Қурилиш ташкилотининг раҳбар органи.

4. Қурилишда эксперт-бухгалтерга қуйидаги материаллардан қайсилари тақдим этилади?

А) Қурилиш монтаж ишларини бажариш тўғрисида далолатнома хамда кирим-чиқим юк хатлари, иш хақини ёзишга дойир хужжатлар.

Б) Қурилиш ташкилоти раҳбарининг буйруқлар китоби.

В) “Қурилиш бўйича меъёрлар ва қоидалар” (СНиП).
Г) Эвокуация режаси.

5. Қурилиш ташкилотларида олиб бориладиган бухгалтерия ҳисоби ишларини эксперт-бухгалтер томонидан аниқланадиган камчиликларнинг неча турлари мавжуд?

А) Битта тури. Б) Иккита тури. В) Учта тури. Г) Тўртта тури.

3.7-маъруза	БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1.Қишлоқ хўжалик корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишга оид 3.7.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масалалар ечиш, 3.7.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 3.7.3 топшириқ.
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда қишлоқ хўжалик корхоналарида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда қишлоқ хўжалик корхо-наларида суд-бухгалтерия эксперти-засини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.	Талабалар қишлоқ хўжалик корхо-наларида суд-бухгалтерия эксперти-засини ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилади.
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириклари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 3.7.1

1.Қишлоқ хўжалик корхоналарининг қандай турлари мавжуд? Жавобингизни қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг турлари:	1. Фермер хўжаликлари
	2.
	3.
	4.

2. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулот етиштириш фаолияти бўйича турлари ҳақида тушунча беринг.

Топшириқ № 3.7.2

Мавзуга оид масалалар ечиш

1-масала. "Зарафшон" фермер хўжалигида ҳар бири 3 000 000 сўмлик иккита катта ёшли(илгари суғурталанган) маҳсулдор хайвон ҳисобдан чиқарилди. Ветеринария хулосасида маҳсулдор хайвонлар фермер хўжалиги худудида гербициддан заҳарланганлиги қайд этилган.

Фермер хўжлиги бухгалтери томонидан маҳсулдор хайвонлар ҳисобдан чиқарилиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилган:

Д-Т - 9910 К-Т - 0171 6 000 000

Талаб қилинади:

1. Фермер хўжалиги бухгалтерияси томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқлаш;

2. Ушбу ҳолатда фермер хўжалиги бухгалтери қандай иш тутиши лозим эди ва унга суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

2-масала. Фемер хўжалигида асосий подани шакллантириш учун кассадан ҳисобдор шахсга 4 000 000 сўм бўнак суммаси берилди.

-ҳисобдор шахсга берилган бўнак суммаси капитал инвестиция сифатида тан олинди

-сарфланган капитал инвестиция суммаси маҳсулдор хайвонни бошланғич кирим кийматига киритилди.

Фермер хўжалиги бухгалтери томонидан юқоридаги хўжалик операцияларига қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари берилган:

1). Д-Т 4290 К-Т 5010 4 000 000
2). Д-Т 0820 К-Т 4290 4 000 000
3). Д-Т 0170 К-Т 0820 4 000 000

Талаб қилинади:

1. Фермер хўжалиги бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқлаш;

2. Юқоридаги хўжалик операцияларини бухгалтерия ўтказмаларида тўғри акс эттиринг ва суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини беринг.

Топшириқ № 3.7.3

Мавзуга оид тест саволлари ечиш

1. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш "Ҳаракатлар стратегияси"нинг қайси бўлимида кўзда тутилган?

А) 5- бўлим; Б) 2- бўлим; В) 3- бўлим; Г) 4- бўлим.

2. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия соҳасига таъсир қилувчи алоҳида хусусиятларига киради..

А) Мавсумийлик.
Б) Мавсумийлик ва давомийлик.
В) Харажатлар даврининг мос келмаслиги.
Г) Харажатлар даври ва маҳсулот олиш даврининг мос келмаслиги.

3. Қишлоқ хўжалиги корхонасида ҳисоб қандай шаклда юритилиши мумкин?

А) Мемориал ордер шаклида.
Б) Журнал ордер шаклида.
В) Ихчамлаштирилган шаклда.
Г) Ҳисоб юритиш шарт эмас.

4. Қишлоқ хўжалиги корхонасининг ўзига хос хусусиятлари қайси жавоб вариантида тўлиқ ифодаланган?

А) Вигитация даврининг календар йили билан тўғри келиши.
Б) Календар йили билан ҳисобот йилининг тўғри келмаслиги.
В) Вигитация даврининг календар йили билан тўғри келмаслиги.
Г) Календар йили билан ҳисобот йилининг тўғри келиши.

IV – Мавзу. СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ХУЛОСАСИ ВА ТАВСИЯЛАРИ

(Мавзу 4 та маърузадан иборат)

4.1-маъруза	СУД- БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТУЗИШ ТАРТИБИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача	
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот	
Амалий машғулот режаси	1.Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг мазмуни ва тузиш тартибига оид 4.1.1 топшириқни бажариш. 2. Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг таркибий қисмларига оид топшириқлар бажариш 4.1.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 4.1.3 топшириқ.	
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг мазмуни ва тузиш тартиби амалий кўникмаларни шакллантириш	
Педагогик вазифалар:		***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда Суд-бухгалтерия экспер-тизаси хулосасининг мазмуни ва тузиш тартибига бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш		Талабалар Суд-бухгалтерия экспер-тизаси хулосасининг мазмуни ва тузиш тартиби бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари		Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари		Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари		Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити		Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш		Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 4.1.1

1.Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг моҳияти, аҳамиятини ўрганиш.

2.Текширилаётган объектнинг сифатсизлиги, таққослаб кўрилувчи материалларнинг камлиги ёки тамоман йўқлиги натижасида вақт ўтиши билан объектда сон ва сифат ўзгаришлари юз бериши ҳолларини ўрганиш.

3. Суд-тергов ишларида экпертнинг тажрибасизлиги, унга қўйилган саволларга аниқ жавоб бермаслиги ҳолларини ўрганиш.

Топшириқ № 4.2.1

1. Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг таркибий қисмлари ва уларда бажариладиган ишларни аниқланг ва улар билан жадвални тўлдиринг.

Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг кириш қисмида	

Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг текшириш қисмида	

Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасининг якуний қисмида	

Топшириқ № 4.3.1

Мавзуга оид тест саволларини ечиш

1. Эксперт-бухгалтер хулосаси бу...

А) Хўжалик фаолиятига берилган баҳо.

Б) Тергов ёки суд томонидан хўжалик ташкилотида мавжуд бўлган хато-камчиликларни аниқлаш.

В) Текширув ўтказилаётган корхона молия ҳисоботининг объективлиги ва ишончлилигини қайта текшириш.

Г) Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги билимига, амалий тажрибасига суянган ҳолда унга гувоҳ сифатида маълум бўлган далилларга асосланган мутахассиснинг хулосасидир.

2. Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосаси нимага асосан берилади?

А) Корхона раҳбарининг буйруғига. Б) Бош бухгалтерининг буйруғига.

В)Суднинг қарорига асосан. Г) Суд-бухгалтерия экспертизаси ҳисоботига.

3. Эксперт хулосаси неча қисмдан иборат?

А) Тайёргарлик кўриш, суриштириш ва хулоса қисмларидан иборат.

Б) Кириш, тайёргарлик кўриш, суриштириш қисмларидан иборат.

В) Кириш,сурок қилиш ва хулоса қисмларидан иборат.

Г) Кириш, суриштириш ва жамлаш қисмларидан иборат.

4. Терговчи эксперт-бухгалтерни сурок қилиши мумкинми?

А) Терговчи эксперт-бухгалтерни истаган пайтида сурок қилиши мумкин.

Б) Терговчи эксперт-бухгалтерни сурок қилиши мумкин эмас.

В) Терговчи эксперт-бухгалтерни айбланувчининг талаби билан сурок қилиши мумкин.

Г) Терговчи эксперт-бухгалтерни фақат иш бўйича зарурат туғилган пайтда баённома расмийлаштириб, сурок қилиши мумкин.

5.Экспертиза хулосаси экспертиза ўтказган ташкилотда неча йил сақланади?

А) 4 йил. Б) 1 йил. В) 5 йил. Г) 3 йил.

4.2-маъруза	СУД- БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИНИ СУД ВА ТЕРГОВЧИ ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ВА БАҲОЛАНИШИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1.Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасини суд ва тергов органлари томонидан кўриб чиқилиши ва баҳоланишига оид 4.2.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масалалар ечиш, 4.2.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 4.2.3 топшириқ.
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасини суд ва тергов органлари томонидан кўриб чиқилиши ва баҳоланиши амалий кўникмаларни шакллантириш.

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда суд-бухгалтерия экспер-тизаси хулосасини суд ва тергов органлари томонидан кўриб чиқилиши ва баҳоланиши амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.	Талабалар суд-бухгалтерия экспер-тизаси хулосасини суд ва тергов органлари томонидан кўриб чиқилиши ва баҳоланиши амалий кўникмаларни ҳосил қилади.
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 4.2.1

1. Экспертнинг хулосаси бошқа ҳар қандай далиллар манбаи сингари суриштирув олиб бораётган шахс (терговчи)нинг ички ишончига қараб қандай баҳоланади?.

Терговчи томонидан эксперт хулосасини баҳолаш учун қуйидаги	1.Хулоса бериш учун экспертга етарли даражадаги материаллар тақдим этилганлиги, улар ишнинг хулосасига қараб айнан ўша тадқиқот объектлари ҳисобланадими, норматив маълумотлардан

саволларга жавоблар олинади?	фойдаланилганми?
	2.
	3.
	4.
	5.
	6.
	7.

2. Жиноят иши бўйича бир неча экспертиза ўтказилган ва экспертлар бир фикрга келмаган ҳолларда экспертиза қандай тугайди?

Топшириқ № 4.2.2

Мавзуга оид масала ечиш

1-Масала. Туман прокуратураси терговчиси капитан Т.Сафаров томонидан "Бинокор" *қурилиш ташкилоти қуриб* топширган "Хизмат кўрсатиш мажмуаси" биноси бўйича очилан жиноий иш юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланди. Терговчининг қарорида эксперт-бухгалтер бажариши лозим бўлган ишлар бўича 22та саволлар *тўплами аниқланиб, экспертизани* ўтказиш учун туман суд-бухгалтерия экспертизаси бюроси эксперти (М.Мансуров)га топширилди.

Эксперт-бухгалтерти М.Мансуров экспертизани белгиланган мудатдан 3 кун кейин ўтказиб, эксперт ёритилиши лозим бўлган 22 та саволдан 19 тасига жавоб берган ҳолда (3та саволга терговчи томонидан экспертизага тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганлиги сабабли) экспертиза хулосасини терговчига почта орқали жўнатди.

Терговчи иш юзасидан ўтказилган суд-бухгалтерия экспертизаси хулосасини "Экспертиза тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилмаган" деб, эксперт-бухгалтерга қайтариб юборди.

Талаб қилинади:

1. Терговчи ва эксперт томонидан йўл қўйилан хатоликни аниқлаш;
2. Ушбу ҳолатда прокуратура терговчиси қандай иш тутиши лозим эди?
3. Содир бўлган ҳолат юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

2-масала. Юқоридаги масала бўйича туман прокуратураси терговчиси капитан Т.Сафаров эксперт-бухгалтер М.Мансуровни уни яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинига (чақириқ қоғози орқали) мурожаат қилди. Бироқ, эксперт-бухгалтер М.Мансуров терговчи ҳузурига келишдан бош тортиб, "терговчи томонидан "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонун талаблари *бузилган" деган важ келтирди.*

Талаб қилинади:

1. Терговчи томонидан йўл қўйилан хатоликни аниқлаш;
2. Ушбу ҳолатда прокуратура терговчиси қандай иш тутиши лозим эди?

3. Содир бўлган ҳолат юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

Топшириқ № 4.2.3

Мавзуга оид тест саволлари

1. Экспертиза муассасаси раҳбари хулосани кўриб чиқишда хулоса нотўғри тузилганлиги аниқланганда....

А) Аниқлик киритиш учун экспертга қайтарилади. Б) Қабул қилинмайди.
В) Қайта экспертизага жўнатилади. Г) Эксперт жазоланади.

2. Суд-бухгалтерия экспертизасида "Сифатсиз материаллар" гуруҳига қуйидагиларни қайси бири киради?

А) Тафтиш хулосаларининг асоссизлиги.
Б) Таклиф этилган шахслардан бирини иштирок этмаслиги.
В) Об-ҳаво шароитининг ёмонлаши натижасида тафтиш қолдирилганлиги.
Г) Экспертизаўтказиш вақтини узайиб кетиши.

3. Терговчи томонидан чиқарилган қарорда асосан нималарга эътибор берилади?

А) Экспертиза ўтказиш учун асосга.
Б) Экспертиза ўтказиладиган корхонанинг номи, манзили, экспертиза ўтказувчининг фамилияси, мансабига.
В) Эксперт олдига қуйиладиган саволлар ва унга бериладиган материаллар тўпламига.
Г) Экспертиза учун асос, ўтказувчи корхонанинг номи, манзили, экспертнинг и.ш.ф. ва унга қуйиладиган саволлар ҳамда унга бериладиган материаллар тўпламига.

4. Жиноий-процессул кодекс бўйича қандай холларда эксперт-бухгалтер экспертиза ўтказишдан бош тортиши мумкин?

А) Шу иш бўйича бошқа фаолиятда иштирок этган бўлса;
Б) Айбланувчига нисбатан хизмат ёки бошқа жиҳатдан манфаатдор бўлса;
В) Эксперт-бухгалтернинг малакавий тажрибаси етишмаганда
Г) Эксперт-бухгалтерни малакаси етишмаганда, шу иш бўйича бошқа фаолиятда иштирок этган бўлса ёки айбланувчига нисбатан манфаатдор бўлса.

4.3-маъруза	КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА МУЛКНИ САҚЛАШНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1.Корхона ва ташкилотларда мулкни сақлашни таъминлаш ва моддий жавобгарликни ташкил этишга оид 4.3.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масалалар ечиш, 4.3.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 4.3.3 топшириқ.
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда корхона ва ташкилотларда мулкни сақлашни таъминлаш ва моддий жавобгарликни ташкил этишга бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш

Педагогик вазифалар:	***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда корхона ва ташкилотларда мулкни сақлашни таъминлаш ва моддий жавобгарликни ташкил этишга бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	Талабалар корхона ва ташкилотларда мулкни сақлашни таъминлаш ва моддий жавобгарликни ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари	Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув кўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гурухларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 4.3.1

1. Корхона ва ташкилотларда мулкни сақлашни таъминлаш ишлари нималардан иборат?
2.Корхона ва ташкилотларда моддий жавобгарлик тизимини тўғри ташкил этиш қандай амалга оширилади?
3.Корхона ва ташкилотларда мулкни сақлашни таъминлашда инвентаризациянинг роли ва унинг турларини аниқланг?

Топшириқ № 4.3.2
Мавзуга оид масала ечиш

1-масала. Озиқ овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон омборига 2016 йил 13 мартда шаҳар "Шакариивест" корхонасидан № 227 юк хати билан 10 тонна (1кг 3000сўмдан) 30 000 000 сўмлик шакар Т.Турсунов томонидан туширилди. Шакарни қабул қилиш пайтида жами 200 халта шакардан 40 халтаси сувда қолганлиги аниқланди.

Ушбу факт юзасидан товар экспертизаси ўтказилиб, 40 халта шакарни сифати бузилганлиги ва товар экспертизаси хулосасида уни истеъмолга яроқсизлиги аниқланди.

Изох: 1."Шакариивест" ташкилотидан шакар олиш учун дўкон экспедитори Т.Турсуновга № 345 ишончнома берилган.

2. Дўконда текширув ўтказилганда Т. Турсунов экспедитор лавозимида эмас, кўриклаш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаётганлиги аниқланган.

Талаб қилинади:

1. Дукон маъмурияти томонидан йўл қўйилган камчиликларни аниқланг.
2. Содир бўлган ҳолат юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

2-масала. "Сифат" кимёвий тозалаш комплекси кассасида навбатдан ташқари 2016 йил 10 март куни ўтказилган инвентаризация натижасида 750 500 сўм пул камомади аниқланди. Вақтинча кассир вазифасини бажарувчи А.Каримова камомад бўйича ёзган тушунтириш хатида камомад суммаси 2016 йил 9-март куни комплекс ходими П.Шариповга сафар харажатлари учун комплекс раҳбари ўринбосарининг оғзаки буйруғига асосан бўнак сифатида берганлигини баён этган.

Изох: 1.Ходимлар бўлими материаллари текширилганда А.Каримова ишга вақтинча қабул қилинганлиги ҳақида буйруқ мавжуд эмаслиги ва корхона бухгалтериясида у билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилмаганлиги аниқланди.

2. Комплекс ходими П.Шариповни сафарга жўнатиш ҳақида буйруқ умуман мавжуд эмас.

Талаб қилинади:

1.Комплексда содир бўлган ҳолат юзасидан йўл қўйилган камчиликлар аниқлансин.

2.Комплексда моддий жавобгарлик тизимидаги хатолар аниқлансин.

2. Содир бўлган ҳолат юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини беринг.

Топшириқ № 4.3.3
Мавзуга оид тест саволлари ечиш

1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда моддий бойликларни талон-тарож қилинишини олдини олишда ва корхона молиявий ҳолатини яхшилашда суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари қайси жавобда тўлиқ ифодасини топган?

А) Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари ихтиёрий бажаришга мойил бўлган ҳужжатдир.
Б) Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари фақатгина корхонанинг бошқарув ходимларига тегишли бўлган ҳужжатдир.
В) Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари фақатгина корхонанинг моддий жавобгар шахсларига тегишли бўлган ҳужжатдир.
Г)Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифлари корхонада ТМЗ тўлиқ сақланишида ички меҳнат тартиб қоидаларига, қонунларга амал қилишда ҳамда корхона молиявий фаолиятини яхшилашда бевосита аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир.

2. Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий таъминлашни ким амалга оширади?

А) Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий таъминлаш, улар қайси давлат органлари тасарруфида бўлса, ўша давлат органлари томонидан амалга оширилади.
Б) Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.
В) Нодавлат ташкилотлари ҳисобидан.
Г) Прокуратура органлари ҳисобидан.

3. Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини илмий-услубий таъминотини ким амалга оширади?

А) Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини илмий-услубий таъминлаш, улар қайси давлат органлари тасарруфида бўлса, ўша давлат органлари томонидан амалга оширилади.
Б) Суд экспертизаларини ўтказишни илмий-услубий таъминлаш тегишли давлат суд-экспертиза муассасаларига юклатилади.
В) Нодавлат ташкилотлари ҳисобидан.
Г) Прокуратура органлари ҳисобидан.

4.4-маъруза	СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ ТАКЛИФЛАРИНИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ЭТИШ

Таълим бериш технологисининг модели

Машғулот вақти	Талабалар сони-20тагача	
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулот	
Амалий машғулот режаси	1.Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифларини бажарилишини назорат этишга оид 4.4.1 топшириқни бажариш. 2. Мавзуга оид масалалар ечиш, 4.4.2 топшириқ. 3. Мавзуга оид тест саволларини ечиш 4.4.3 топшириқ.	
Амалий машғулотнинг мақсади	Талабаларда Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифларини бажарилишини назорат этиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш	
Педагогик вазифалар:		***Ўқув фаолияти натижалари:***
Талабаларда Суд-бухгалтерия экспер-тизаси таклифларини бажарилишини назорат этиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш		Талабалар Суд-бухгалтерия экспер-тизаси таклифларини бажарилишини назорат этиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилади
Таълим бериш усуллари		Мунозара,суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари		Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари		Ўқув кўлланма, ролектор, флипчарт, маркерлар. Эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити		Техник таъминланган, гурухларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш		Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

Топшириқ № 4.4.1

1. Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифларининг корхона, ташкилот ва муассасаларда давлат, жамоат ва бошқа мулкни ўзлаштириш, ўғирлаш ва талон-тарож қилинишига йўл қўймасликдаги профилактик аҳамиятини тушунтириб бериш;

2. Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифларида талон-тарожга имкон берган сабаб ва шароитлар ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан таклиф, мулоҳазалар билдириш ва уларни корхона (жамоа) аъзоларига етказиш йўлларини айтиб бериш.

3. Терговчининг меҳнат жамоалари ҳузурида матбуот, радио, телевединия орқали чиқишлари мазмуни қандай талабларга жавоб бериши керак? жавобингизни қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

Терговчининг меҳнат жамоалари ҳузурида матбуот, радио, телевединия орқали чиқишлари мазмуни қандай талабларга жавоб бериши керак?	1.Талон-тарожга имкон берган энг муҳим сабаб ва шароитлар кўрсатилиши шарт;
	2.
	3.

Топшириқ № 4.4.2
Мавзуга оид масалалар ечиш

1-масала. "Фарход" супер маркетининг озиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи бўлими ходимларидан (Т.Турсунов-бўлим бошлиғи ва С. Турсунова-сотувчи) 2016 йил 14 мартда ёзган аризаси бўйича туман фуқаролик суди терговчиси (капитан С.Салимов)томонидан фуқаролик иши очилди. Ариза мазмунига кўра озиқ-овқат товарлари бўлимида 2016 йил 3 март куни инвентаризация ўзказилган. Инвентаризация қайдномасига асосан бўлимда (2016 йил 2-январдан-2016 йил 14 мартгача бўлган даврда) озиқ-овқат товарларидан 2 450 000 сўм камомад аниқланган.

Моддий жавобгар шахслар томонидан берилган тушунтириш хатида камомадни пайдо бўлишига сабаб, бўлим "ўз-ўзига хизмат қилиш" ва "товарларни қадоқлаб- фасовкалаб сотиш" усулида ишлаганлиги боис табиий камайиш меъёри қўлланилиши лозим эди.

Корхона бухгалтерияси томонидан аниқланган камомад моддий жавобгар шахсларни ҳар биридан 1250 000 сўмдан ўндириб олинган.

Талаб қилинади:

1. Корхона бухгалтерияси томонидан йўл қўйилан хатоликни аниқлаш;
2. Ушбу ҳолатда корхона бухгалтерияси қандай иш тутиши лозим эди?
3. Содир бўлган ҳолат юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

2-масала. Юқоридаги "Фарход" супер маркети масаласи бўйича 2016 йил 24-март куни туман фуқаролик судида иш кўриб чиқилиб, суд қарори шу йилнинг 25-март куни № 131 рақамли хати билан "Фарход" супер маркетининг раҳбариятига содир бўлган қонундан четланишларни жамоа ходимлари орасида 15 кун ичида муҳокама этиш ва бундай ҳолатлар бошқа такрорланмаслиги мақсадида чора-тадбирлар қабул қилиш ва қабул қилинган тадбирлар ҳақида туман фуқаролик судига маълумот бериш учун суд ижрочиси орқали жўнатилди.

Жорий йилнинг 26-апрел кунигача фуқаролик судига "Фарход" супер маркети маъмурияти томонидан ҳеч қандай маълумотнома жўнатилмади.

Талаб қилинади:

1.Корхона маъмурияти томонидан қандай меърий-ҳуқуқий ҳужжат талаблари бузилди?

2. Корхона маъмуриятига нисбатан кўриладиган чора турини аниқланг.

3. Содир бўлган ҳолат юзасидан суд-бухгалтерия экспертизаси тавсиясини бериш.

Топшириқ № 4.4.3

Мавзуга оид тест саволлари ечиш

1. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш «Ҳаракатлар стратегияси"нинг қайси бўлимига оид?

А) 1-бўлимига. Б) 2-бўлимига. В) 3-бўлимига. Г) 4-бўлимига.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА качон кабул қилинган?

А) 2011 йил 2 март. Б) 2010 йил 2 март.
В) 2013 йил 2 март. Г) 2014 йил 2 март.

3. Суд-бухгалтерия экспертизасининг таклифларини бажаришни назорат қилиш кимга юклатилган?

А) Корхона раҳбарига.
Б) Экспертиза ўтказган ташкилот раҳбарига.
В) Корхона раҳбарига, экспертиза ташкилоти раҳбарларига хамда суд ва прокуратура органларига.
Г) Барча ижтимоий ташкилотлар раҳбарларига.

4. Суд-бухгалтерия экспертизаси иш фаолияти тугаши қандай ҳужжат билан расмийлаштирилади?

А) Тугаллаш далолатномаси Б) Баённома
В) Экспертиза хулосаси Г) Сўрок далолатномаси

5. Хулоса бериш имкони йўклиги тўғрисидаги далолатнома неча қисмдан иборат?

А) Икки қисмдан. Б) Тўрт қисмдан. В) Уч қисмдан. Г) Бир қисмдан.

Илова № 1

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги ҚОНУНИ

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 18 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат суд эксперти — давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти;

иш — суд экспертизаси тайинланган фуқаролик, хўжалик, жиноят иши (шу жумладан, терговга қадар текширув материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш;

суд эксперти — хулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс;

суд экспертининг хулосаси (хулоса) — суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжат;

суд экспертизаси — фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат;

суд-экспертлик фаолияти — суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият.

4-модда. Суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари

Қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд экспертининг мустақиллиги, суд-эксперт текширишларининг холислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги суд-экспертлик фаолиятининг асосий принципларидир.

5-модда. Суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишда қонунийликка риоя этилиши

Суд-экспертлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6-модда. Суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши

Суд-экспертлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунларида назарда тутилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Шахснинг эркинлигини вақтинча чеклашни ёки унинг шахсий дахлсизлиги бузилишини талаб этувчи суд-эксперт текширишлари (бундан буён матнда текширишлар деб юритилади) фақат қонунда белгиланган асослар ва тартибда ўтказилади.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот (бундан буён матнда бошқа ташкилот деб юритилади) томонидан суд экспертизаси ўтказилиши муносабати билан қабул қилинган қарорлар, суд экспертининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига олиб келди деб ҳисоблаган шахс мазкур қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

7-модда. Суд экспертининг мустақиллиги

Суд эксперти суд экспертизасини ўтказишда суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан), тарафлардан ва ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахслардан мустақилдир.

Суд эксперти ўзининг фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимларига (бундан буён матнда махсус билимлар деб юритилади) мувофиқ ўтказилган текширишлар натижаларига асосланиб хулоса беради.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс), шунингдек бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тарафлардан бирортасининг ёки ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахсларнинг фойдасини кўзлаб хулоса олиш мақсадида суд экспертига таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

8-модда. Текширишларнинг холислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги

Суд эксперти текширишларни холисона, қатъий илмий ва амалий асосда, тегишли ихтисослик доирасида, ҳар томонлама ва тўлиқ ҳажмда ўтказади.

Суд экспертининг хулосаси (хулоса) қилинган фикрларнинг асослилиги ва ишончлилигини умум эътироф этилган илмий ва амалий маълумотлар базасига мувофиқ текшириш имкониятини берадиган қоидаларга асосланиши лозим.

9-модда. Текшириш объектлари

Ашёвий далиллар, текшириш учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, шунингдек суд экспертизаси ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Текширишлар тирик одамга нисбатан ҳам ўтказилади.

Текширишни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган тирик одам, мурда, ҳайвон, ўсимлик, буюм, материал ёки модданинг хусусиятларини акс эттирувчи объекхлар текшириш учун наъмуналардир.

Суд экспертизасини ўгказишда текшириш объектлари (тирик одамдан ташқари) текширишни ўтказиш учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада шикастланиши ёки ишлатилиши мумкин. Бунда текшириш объектининг қисман шикастланиши ёки ишлатилишига суд экспертизасини тайинлаган органнинг

(шахснинг) ёзма рухсати олиниши зарур, тайинланган суд экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари объектнинг шикастланишини (бузилишини) ёки ишлатилишини тақозо этувчи ҳоллар бундан мустасно.

Текшириш объектларининг суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) ёзма рухсати билан ёхуд тайинланган суд экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шикастланганлиги ёки ишлатилганлиги давлат суд-экспертиза муассасаси, бошқа ташкилот ёки суд эксперти томонидан мазкур объектларнинг мулкдорига зарарнинг ўрни коплаб берилишига сабаб бўлмайди.

Текшириш объектлари, агар уларнинг ўлчамлари ва хоссалари имкон берса, ўралган ва муҳрланган ҳолда суд экспертига топширилиши керак.

Текшириш объектини суд экспертининг иш жойига етказиб беришнинг иложи бўлмаганда, суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) унга мазкур объектни монеликсиз кириб кўришни ва уни текшириш имкониятини таъминлайди.

Суд экспертизаси тугалланганидан кейин текшириш объектлари, агар улар тўла ишлатилган бўлмаса, суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) қайтарилади.

10-модда. Суд эксперти

Суд эксперти сифатида давлат суд эксперти, бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Бошқа ташкилот ходими суд экспертизасини уни тайинлаган орган (шахс) томонидан мазкур ташкилотга берилган топшириқни бажариш тартибида ўтказади.

Ишда суд эксперти сифатида иштирок этиш учун жалб этилган бошқа жисмоний шахс бирон бир давлат суд-экспертиза муассасаси штатида турмайди ва суд экспертизасини уни тайинлаган органнинг (шахснинг) топшириғини бажариш тартибида ўтказади.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасдан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар суд эксперти сифатида жалб этилиши мумкин эмас. Шахснинг суд эксперти сифатида иштирок этишини истисно этадиган бошқа ҳолатлар процессуал қонунда назарда тутилади.

Суд эксперти иш ҳолатларини текширишда фақат ўзига топширилган суд экспертизаси предметига тааллуқли ва хулоса бериш учун аҳамиятга молик масалалар бўйича иштирок этади.

Суриштирув, дастлабки тергов органлари, суд ва суд муҳокамасидаги тарафлар суд экспертига фақат унга топширилган суд экспертизаси ва у томонидан берилган хулоса муносабати билан мурожаат этишга ҳақли.

Суд эксперти фақат ўзи томонидан берилган хулоса ва шахсан ўтказган текширишлари юзасидан сўроқ қилиниши мумкин.

Суд экспертини у хулоса бергунига қадар сўроқ қилиш тақиқланади.

11 -модда. Суд экспертига қўйиладиган малакага оид талаблар

Давлат суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касбҳунар маълумотига эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин.

Суд эксперти сифатида жалб этиладиган бошқа ташкилот ходими ва бошқа жисмоний шахс олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлиши лозим.

12-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаси

Суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ихтисослаштирилган муассаса давлат суд-экспертиза муассасасидир. Суд-экспертлик фаолияти тегишли давлат органларининг экспертиза бўлинмалари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Суд экспертизасини ўтказиш мазкур экспертиза бўлинмаларига топширилган ҳолларда, улар давлат суд-экспертиза муассасаларй каби вазифаларни амалга оширилиши мумкин. Суд экспертизасини ўтказиш мазкур экспертиза, бўлинмаларига топширилган ҳолларда, улар давлат суд-экспертиза муассасалари каби вазифаларнй амалга оширади, ҳуқуқларга эга бўлади, мажбуриятларни бажаради ва жавобгар бўлади.

Айни бир хил ихтисосликдаги давлат суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ташкил этиш, ўтказиш, давлат суд экспертларини касбий тайёрлаш ва ихтисослаштириш суд-экспертлик амалиётига ягона илмий-услубий ёндашув асосида амалга оширилади.

Давлат суд-экспертиза муассасасида суд экспертизалари, бу муассаса қайси давлат органи ихтиёрида бўлса, ўша давлат органи томонидан аникланадиган, у учун белгиланган хизмат кўрсатиш минтақаларига мувофиқ ўтказилади.

Суд экспертизасини тайинлаган ва давлат суд-экспертиза муассасасининг хизмат кўрсатиш минтақасидан ташқарида жойлашган органлар (шахслар) учун суд экспертизаси, истисно тариқасида, ушбу муассаса томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

Давлат суд-экспертиза муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

2-боб. Давлат суд-экспертиза муассасаси, бошқа ташкилот раҳбарининг ҳамда суд экспертининг ҳуқуқ, ва мажбуриятлари

13-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбарининг суд-экспертлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқлари

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

агар мазкур ташкилотда текширишларни ўтказиш учун тегишли мутахассислар ёки зарур моддий-техник база ёхуд махсус шароитлар бўлмаса, суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижро этмасдан ҳамда суд экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларини уч кунлик муддатда қайтариш;

суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) суд экспертлари комиссияси таркибига мазкур ташкилотда ишламайдиган шахсларни, шу жумладан бошқа давлатлардан мутахассисларни, агар суд экспертизасини ўтказиш учун уларнинг махсус билимлари зарур бўлса, киритиш тўғрисида илтимос қилиш;

қўйилган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган текширишларни ўтказишни ўз кучлари ва воситалари билан таъминлаётган ташкилотларга суд

экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг кўчирма нусхасини юбориш;

суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) мазкур ташкилотнинг текшириш объектлари текширилганидан сўнг уларни ташиш, бундан почта харажатлари мустасно; текшириш объектлари суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан олинмаган тақдирда, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида ушбу ташкилотда сақлаш; катта хавф туғдирадиган объектларнинг мазкур ташкилотга келиб тушиши натижасидаги зарарли окибатларни (портлаш, ёнғин ва шу кабиларни), агар суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) ушбу объектлар билан муомалада бўлишнинг унга маълум бўлган махсус қоидалари тўғрисида раҳбарга хабар бермаган бўлса ёки улар лозим даражада ўралмаган бўлса, бартараф этиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбарининг суд-экспертлик фаолияти соҳасидаги мажбуриятлари

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари:

суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим олинганидан сўнг суд экспертизасини ўтказишни мазкур ташкилотнинг қўйилган саволларга жавоб бериш учун талаб қилинадиган кўламда махсус билимларга эга бўлган ходимлари жумласига кирадиган суд экспертига ёки суд экспертлари комиссиясига топшириши;

суд экспертига ёки суд экспертлари комиссиясининг ҳар бир аъзосига суд экспертининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши (давлат суд-экспертиза муассасаларининг ходимларига бундай тушунтириш ишга қабул қилиш чоғида берилади);

суд экспертини била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши, ундан тегишли тилхат олиши ва мазкур тилхатни хулоса билан бирга суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юбориши;

ўтказилаётган текширишларнинг тўлиқлиги ва сифати устидан назоратни, суд экспертининг мустақиллиги принципини бузмаган ҳолда, таъминлаши;

суд экспертизасини ўтказиш муддатини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлаши ва унга риоя этилишини назорат қилиши;

суд экспертига текширишларни ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни таъминлаши;

текшириш тугаганидан сўнг хулосани, текшириш объектлари ва иш материалларини суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юбориши шарт.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари:

суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча текшириш объектларини суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) қарори ёки ажримисиз талаб қилиб олишга;

суд экспертизасини ўтказиш учун мазкур ташкилотда ишламайдиган шахсларни мустақил равишда жалб этишга;

суд экспертига муайян суд экспертизаси юзасидан текшириш жараёнини ва фикрлар мазмунини олдиндан белгилаб қўядиган кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

15-модда. Суд экспертининг ҳуқуқлари

Суд эксперти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд экспертизаси предметига оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;

суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;

тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ва шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга суд экспертизаси предметига оид саволлар бериш;

суд мухокамасида суд экспертизаси предметига оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўрок қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш;

ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш;

ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки суд экспертизаси предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш;

унинг хулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;

агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;

агар унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишни юритаётган органнинг карорлари, шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бузаётган бўлса, бу карорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан конунда белгиланган тартибда шикоят қилиш. Суд эксперти. қанун-ҳужжатларига мувофик-бошқа ҳуқўқларга ҳам эга бўлиши мумкйн.

16-модда. Суд экспертининг мажбуриятлари

Суд эксперти:

суд эксперти сифатида ўзини ўзи рад этиши учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёки давлат суд-экспертиза муассасасининг ёхуд бошқа ташкилотнинг раҳбарига дарҳол маълум қилиши;

ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлик текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона хулоса бериши;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши;

ўзи ўтказган суд экспертизаси хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши;

суд экспертизасини ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги;

тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши;

иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

Суд эксперти зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Суд эксперти:

суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга;

суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишда материаллар тўплашга;

суд экспертизаси натижаларини суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон бир шахсга хабар қилишга ҳақли эмас.

Давлат суд эксперти, шунингдек:

агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбаридан ташқари бевосита бошқа бирон бир органдан (шахсдан) суд экспертизасини ўтказиш тўғрисида топшириқлар қабул қилишга;

бошқа ташкилот ходими еки бошқа жисмоний шахс сифатида суд экспертизасини ўтказишга ҳақли эмас.

3-боб. Суд экспертизасини ўтказиш

17-модда. Суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари

Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказии асосларидир. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган текшириш объектлари ҳамда иш материалларини тақдим этади.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) текшириш учун намуналар олади ва уларни процессуал қонунда белгиланган тартибда ишга қўшиб қўяди. Зарур ҳолларда, бундай намуна ларни олиш суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд эксперти ёки мутахассис иштирокида амалга оширилади.

Агар текшириш учун намуналар олиш текширишларнинг бир қисми ҳисобланса ва суд экспертизасига тақдим этилган текшириш объектларидан фойдаланилган ҳолда суд эксперт томонидан амалга оширилса, суд экспертизаси тугалланган дан кейин мазкур намуналар уни тайинлаган органга (шахсга юборилади ехуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибд давлат суд-экспертиза муассасасида, агар суд экспертизаси ушбу муассасада ўтказилган бўлса, сақланади.

Суд экспертизаси қонун ҳужжатларида белгиланга муддатларда ўтказилади.

18-модда. Қўшимча ва қайта суд экспертизалари

Қўшимча суд экспертизаси хулосадаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) томонидан ўтказилади.

Хулоса асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки суд экспертизасини ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта суд экспертизаси тайинланади.

Қайта суд экспертизаси тайинланганда суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) олдига илгари қўлланилган текшириш усулларининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

Қайта суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда қайта суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) биринчи (олдинги) суд экспертизаси хулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Қайта суд экспертизасини ўтказиш бошқа суд экспертига (суд экспертлари комиссиясига) топширилади. Биринчи (олдинги) суд экспертизасини ўтказган суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) қайта суд экспертизасини ўтказишда хозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у текшириш ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди.

19-модда. Суд экспертизасининг суд экспертлари комиссияси томонидан ўтказилиши

Суд экспертизаси бир хил (комиссиявий суд экспертизаси) ёки турли хил (комплекс суд экспертизаси) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча суд эксперти томонидан ўтказилиши мумкин.

Суд экспертизасининг суд экспертлари комиссияси томонидан ўтказилиши суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) ёки мазкур экспертизанинг ўтказилишини ташкил этувчи давлат суд-экспертиза муассасаси ёхуд бошқа ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

Суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд экспертлари комиссияси ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқиб, ўтказиладиган текширишларнинг мақсади, кетмакетлиги ва ҳажмини келишиб олади.

Суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд экспертлари комиссияси таркибидаги ҳар бир суд эксперти текширишларни мустақил ва алоҳида олиб боради, шахсан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз махсус билимлари доирасида фикрларини шакллантиради.

Текширишларнинг суд экспертлари комиссияси таркибига киритилмаган шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20-модда. Комиссиявий суд экспертизаси

Комиссиявий суд экспертизаси ўтказилаётганда суд экспертларининг ҳар бири текширишларни тўлиқ ҳажмда ўтказади ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади.

Суд экспертлари умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги хужжатни тузади ва имзолайди.

Суд экспертлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

21-модда. Комплекс суд экспертизаси

Комплекс суд экспертизаси иш учун аҳамиятга моилк ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган холларда тайинланади.

Комплекс суд экспертизасини ўтказишда суд экспертларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида текширишлар олиб боради. Комплекс суд экспертизасининг хулосасида суд экспертларининг ҳар бири қайси текширишларни ва қанча ҳажмда, олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Суд экспертларининг ҳар бири хулосанинг ушбу текширишлар баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

Умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган суд экспертлари қилади. Агар суд экспертлари комиссияси якуний фикрининг ёки унинг бир қисмининг асоси сифатида суд экспертларидан бирининг (алоҳида суд экспертларининг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак.

Суд экспертлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Агар комплекс суд экспертизасини ўтказиш давлат суд-экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унда ушбу экспертизани ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

22-модда. Суд экспертизаси ўтказилаётганда процесс иштирокчиларининг ҳозир бўлиши

Суд экспертизаси ўтказилаётганда процессуал қонунда процесснинг қайси иштирокчиларига суд экспертизасини ўтказишда ҳозир бўлиш ҳуқуқи берилган бўлса, ўша иштирокчилар ҳозир бўлиши мумкин.

Суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган процесс иштирокчилари текширишлар жараёнига аралашишга ҳақли эмас, лекин суд экспертидан у томонидан қўлланилган текшириш усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиши, суд экспертига тушунтиришлар бериши мумкин.

Суд эксперти томонидан хулоса тузилаётганда, шунингдек, агар суд экспертизаси суд экспертлари комиссияси томонидан ўтказилаётган бўлса, суд экспертларининг маслаҳатлашуви ва фикрларни шакллантириш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

Агар суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган процесс иштирокчиси суд экспертига халақит берса, у текширишни тўхтатишга ва мазкур процесс иштирокчисининг суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлишига доир рухсатини бекор қилиш ҳақида суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) илтимос қилишга ҳақли.

23-модда. Суд экспертининг хулосаси (хулоса)

Суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча суд эксперти ёхуд суд экспертлари комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир суд эксперти имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Хулосада:

суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой;

суд экспертизасини ўтказиш асоси;

суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар;

суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар;

суд экспертининг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги;

суд экспертининг олдига қўйилган саволлар;

суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари;

суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар;

қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд экспертлари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги;

текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар;

иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертининг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада ҳукукбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади.

Текширишнинг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади.

Улар суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) талабига биноан ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларнинг ёки суд экспертининг махсус билимлари етарли эмаслиги текшириш давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Текшириш тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборилади.

24-модда. Хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат

Агар суд эксперти қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш

объектларининг ёхуд материалларнинг яроксизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборади.

4-боб. Суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий, илмий услубий ва ахборот билан таъминлаш

25-модда. Суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш

Давлат суд-экспертиза муассасалари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат суд-экспертиза муассасалари фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича суд экспертизаларини ўтказганлик учун тўлов ундиришга ҳақлидир. Бунда судда даъво тақдим этган ҳамда даъвони қувватлаётган давлат органлари давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан ўтказилган суд экспертизалари учун тўловдан озод этилади. Тўлов миқдори ва мазкур маблағларни сарфлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Бошқа ташкилот ходимлари ва бошқа жисмоний шахслар томонидан суд экспертизалари ўтказилганлиги учун тўлов суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

26-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий ва илмий-услубий таъминлаш

Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий таъминлаш, улар қайси давлат органлари тасарруфида бўлса, ўша давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Суд экспертизаларини ўтказишни илмий-услубий таъминлаш тегишли давлат суд-экспертиза муассасаларига юклатилади.

Суд экспертизаларини ривожлантиришнинг идоралараро хусусиятга эга бўлган энг муҳим масалаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш ташкил этилади. Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгашнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

27-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаларининг суд-экспертлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма сўровига кўра суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши шарт. Бунда давлат суд-экспертиза муассасалари давлат сирларини ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи олинган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

28-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаларини кўриқлаш

Давлат суд-экспертиза муассасаларини кўриқлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

29-модда. Халқаро ҳамкорлик

Давлат суд-экспертиза муассасалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ суд-экспертлик фаолияти соҳасида чет давлатларнинг тегишли органлари ва муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади.

30-модда. Давлат суд экспертлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ларнинг ижтимоий мухрфазаси

Давлат суд экспертларининг иш ҳақи мансаб маошн, устамалар ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақлардан иборат бўлади.

Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий суғурта қилинади.

31 -модда. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

33-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қлинган кундан эътиборан кучга киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон. 2016 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни (2016 йил 3 март)

3. Ўзбекистон Республикасининг "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонуни (2009 йил 18 ноябр)

4. Жумамуродов Ш.У. «Ревизия по требованию следственных органов» Тошкент иэд. МВД Узб. 1987 йил

5. Каримов.А. ва бош. "Бухгалтерия ҳисоби" Дарслик Шарқ нашриёти 2004 й.

6. Қаимов.У.К. "Суд-бухгалтерия экспертизаси" Дарслик "Ўқитувчи" нашриёти Тошкент-1993 йил

7. Тайиров А. "Суд-бухгалтерия экспертизаси фанидан маъруза матнлари Самарқанд-2005 йил

10. Ўразов К.Б. "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" ўқув қўлланма Т-Ўқитувчи 2004 (лотин имлосида)

8. "Юридик шахлар томонидан касса операцияларини юритиш Қоидалари" ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтган № 565

9. БҲМС № 21 "Хўжалик юритувчи субъектлари молдиявий хўжалиги бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" ЎзР Адлия вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган № 1181

10. Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари № 1-24 Тошкент 1999-2008 йиллар

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон республикасининг Солиқ Кодекси 2007 й. 25 декабр

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал Кодекси 1996 йил.

3. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессул кодекси 19097 йил.

4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекси 1997 йил.

5.Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 1995

6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 1996 йил.

Мундарижа

Мавзу №	Мавзулар номи	Сахифа
	Кириш	*3*
	Амалий машғулотларнинг мазмуни ва ҳажми	*4*
	Амалий машғулотларнинг тавсия этилган мавзулари	*5*
I	Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг моҳияти ва вазифалари	*7*
II	Суд-бухгалтерия экспертизасини ташкил этиш	*14*
III	Асосий молиявий-хўжалик операциялари бўйича суд-бухгалтерия экспертизасининг фаолияти	*24*
IV	Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосаси ва тавсиялари	*47*
	Илова: Ўзбекистон Республикаси "Суд экспертизаси тўғрисида"ти Қонуни	*58*
	Фойдаланилган адабиётлар	*70*
	Мундарижа	*71*

Амонов Амин Амонович

“СУД-БУХҒАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ”

амалий машғулотлар учун топшириқлар, масалалар ва уларни бажаришга оид услубий қўлланма

Самарқанд, СамИСИ,2017

2017 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. ”Times New Roman” гарнитураси
Босма табоқ 4.5
Буюртма № 165 Адади 20 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: А. Темур кўчаси, 9 уй.

BS1052
A623